O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Milliy tiklanish — millat kelajagi

Milliy tiklanish

Gazeta 1995-yil, 10-iyundan chiqa boshlagan

Har oyda ikki marta chop etiladi

O'zbekiston Milliy tiklanish demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi

2005 yil, 24 iyun, Juma

12-13 (318-319) son

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТ - БУ ЎЗЛИК

Юрт озодлигининг яқинлашиб келаётган ўн тўрт йиллиги ва Ўзбекистон "Миллий тикланиш" партиясининг 10 йиллиги босиб ўтган изларни таҳлил қилишга ва уни англашга даъват этади. XX асрнинг чўққисида ўзбек халқи қарамликдан озод бўлди. Юрт озодлиги, тил озодлиги, дил озодлиги истиқлол бирла қалбларга, шуурларга нур бўлиб, сурур бўлиб йўғрилди. Ўзбек халқи ўзлигини таниди. Зеро, тарих учун қисқа бўлган 14 йил халқимиз учун хатарли ва зафарли йиллар бўлди. Ўзбекистонни жаҳон ҳамжамияти эътироф этди. Иқтисодий-маърифий ҳаётимиздаги ўзгаришларга ишонч билдирилди. Истиқлол шарофати билан кўп партиявийлик вужудга келди. Бешта партиянинг бири - Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам давр талаби сифатида майдонга чиқди. Зиёлиларни юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти ва халқ фаровонлиги йўлида бирлаштириш вазифасини ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Дарҳақиқат, истиқлол шарофати, зиёлиларнинг саъй-ҳаракати билан Имом Бухорий, Нақшбандий, Мотурудий, Марғиноний, Жалолиддин Мангуберди каби аллома-ю, саркардаларимизнинг номи тикланди. Эндиликда асосий мақсадимиз озодликни мерос қилиб олган ақл ва ахлоқ дояси — миллий истиқлол ғоясини қалбга жойлаган авлодни тарбиялаш, миллий қадриятларни тиклаш ва уни ҳар бир оилага олиб кириш.

«Миллий тикланиш» партиясининг миллий тикланишни оиладан бошлаймиз, деб белгилаб қўйгани ҳам бежиз эмас. Яқинда бўлиб ўтган Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг Қўшма Мажлисида Президентимиз халқни жипсликка даъват этди. Эзгу мақсадларни кўнгилга тугиб, меҳнат қилишга, илм эгаллашга, дунёни танишга ўзлигимизни англаб етишга, ғурурли халқ бўлишга ундади.

Ўзлигини англаган одам аввало, Ватаннинг келажаги бўлмиш болаларни, қадриятларни қадрлайди. Фарзандларни дунёга келтириб, унга катта жисмоний ва маънавий куч сарфлайдиган Онани авайлайди. Бу тажрибани кишилик тарихини, дунё тарихини таҳлил қилсак яна бир бор ҳис қилиш мумкин. Жаноби Пайғамбаримиз оналарнинг қадрини тиклашга қаратилган кўплаб аъмолларни амалга оширган эдилар. Жаҳонни лол қолдирган Беруний, ал-Хоразмий, Ибн Сино, ал-Фарғоний каби алломалар илмни нурли чўққига кўтариб, уни ўрганишни миллий қадрият даражасигача юксалтирган эдилар. Учинчи минг йилликда ҳам юртимизда илм олиш, Она ва бола номи кўкларга кўтариляпти. Бу, албатта, тасодиф эмас. Зеро, соғлом авлод тарбияси доимо эътиборга молик ва муқаддас вазифа эканлигини яна бир эслатиб турибди.

Яратганга шукрки, биз XXI асрни озод ва обод юрт фарзанди бўлиб кутиб олдик. Ҳурриятга эришган мамлакатимиз ва унинг бир ўзаги бўлган партиямиз ўз фарзандларини бирор йили ҳам унутгани йўқ. Жаҳондаги бирор мамлакатда бўлмаган "Соғлом авлод учун" хайрия жамғармаси бизнинг республикамизда фаолият

Истиқлолимиз анъаналари

кўрсатмоқда. "Таълим тўғрисида"ги Қонун, "Кадрлар тайёрлаш" ҳамда "Соғлом авлод", "Она ва бола", "Меҳр муруввват" Давлат дастурларида ҳам тарбияни юксак даражага етказиш йўл-йўриқлари аниқ ифодалаб берилган. Хусусан, XX асрнинг охирги йилида ҳам Оналик ва болаликни ҳимоялаш, миллий қадриятларни юксалтириш борасида катта ишлар амалга оширилди. 94 банддан иборат "Соғлом авлод" давлат дастурининг деярли 6 та бобининг ҳар бирида ҳар бир йўналишда тарбия миллий қадриятлар асосида амалга оширилиши лозимлиги кўрсатилади. Дастурга биноан "Она ва бола" скрининг марказлари 9 та вилоятда ташкил этилди. Улар замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. У марказларга 6,5 миллиард маблағ сарфланган бўлса, унинг 60 фоизи давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилди. Скрининг марказлари ногирон болалар туғилишининг олдини олади. Онадан уч томчи қон олиб, унинг вужудидаги митти юракнинг ҳолатини айтиб бериш мумкин. Нега скрининг марказлари ташкил этилди? Республика Соғлиқни сақлаш вазири Феруз Назировнинг биргина далили орқали бу вазифа жамият учун ҳам, она учун ҳам, оила учун ҳам нақадар аҳамиятли эканлигини англаш мумкин. "Тошкент вилоятида 12 минг ногирон бола яшайди. Уларга бир йилда сарфланаётган маблағ Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигига давлат бюджетидан ажратилган маблағдан кўпдир", - деган эди Феруз Ғафурович Оммавий Ахборот воситалари ходимлари билан бўлган пресс-конференцияда. Бизнинг партия зиёлилар партияси экан, давр талабидан келиб чиқиб одимлар олдига мулоҳаза учун таклиф ташлайди. Истиқлол билан туғилган анъаналаримизни қўллаб-қувватлаб, уни асрашга ўргатади.

Партия таклифи

Катта маблағлар ажратилиб ташкил этилган она ва бола скрининг марказлари реактивлар етишмасдан тўла куч билан ишламаяпти. Уни Финландиядан сотиб олиш учун эса, давлат бюджетидан катта маблағ ажратиш лозим. Шу ўринда мамлакатимизнинг ички имкониятларидан фойдалансак мақсадга мувофиқ бўлармиди, деган ниятимиз бор. Масалан, Ядро физика институтида доридармонлар ва тиббий асбоб-ускуналар ишлаб чиқариладиган цех мавжуд. Скрининг марказлари учун зарур реактив эквивалентини яратиш учун тендер эълон қилинса, айни муддао бўлармиди! Зеро, бизнинг мамлакатимизда Менделеев жадвалидаги кимёвий элементларнинг деярли барчаси мавжуд. Юртимиз ер ости ва усти бойликларига эга. Ва илмий салоҳият ҳам етарли.

Хулоса қилиб шуни айтмоқчиманки, бизнинг партиямиз Истиқлол билан туғилган анъаналаримизни ҳам қадрлашга, уни ривожлантиришга интилади. "Соғлом авлод", "Она ва бола" Давлат дастурларининг нечоғли аҳамиятга молик бўлганлигини давлатимиз оила, она ва бола муҳофазасида ниҳоятда тўғри ва оқилона сиёсат олиб бораётганлигини кўрсатиб турибди. Эндиликда амалга оширилган ютуқларни асраб қолишни ҳам ўрганишимиз керак. Зеро, Она ва болаларни авайлаш ўзликни, миллатни, келажакни асрашдир. Ўзлик эса ўзига бекликдир.

"Маҳаллага уюшиб яшаш тарзимизга, бутун жаҳон аҳли ҳавас қилади. Ҳозирда очиқ фуқаролик институтлари мавжуд бўлиб, улар маълум қатламларнигина ўзига қамраб олади. Маҳаллалар эса, бизнинг миллий қадимий қадриятимиз бўлиб, у халқ ичига кириб борган, элга сингиб кетган, тўла шаклланган ва элни яхши бирлаштирган тизимдир. Унинг имкониятларини янада ошириш ва такомиллаштириш лозимлиги кундай равшан. Шу ўринда Партиямиз номидан яна бир масалани кўтармоқчиман. Ҳозир туман ФХДЁ ташкилотлари туғилганлик тўғрисида гувоҳнома беряпти. У Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан уч тилда тўлдирилиши лозим. Туманларда эса уч тилни мукаммал биладиган мутахассислар йўқлиги туфайли гувоҳномаларни тўлдиришда қийинчиликлар пайдо бўляпти. Аслида уни уч тилда тўлдириш шартмикан? Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди. Демак уни фақат ўз тилимизда, ўзбек тилида тўлдириш маъқул эмасми? Бу фақат менинг кузатишим эмас. Мутахассислар аллақачон шу хулосага келишган. Масалан: Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси Навоий вилоятида ушбу масалани ўрганганида Томди, Конимех туманларининг қишлоқлари туман марказидан 200 километр чамаси узоқлиги ва марказга келиб гувоҳнома олиш аҳолига жуда катта қийинчилик туғдираётгани ҳақида куйиниб гапиришди. Истиқлолнинг илк кунлариданоқ Президентимиз 5 та тамойилни белгилаб берган эдилар. Беш тамойилнинг бири - кучли давлатдан кучли жамият сари деб аталади. Куни кеча бўлиб ўтган Олий Мажлиснинг Қўшма мажлисида ҳам бунга алоҳида эътибор берилди. Демак, гувоҳнома беришни Фуқаролик йиғинларидан олиб, туман ФХДЁларига берилгани, ана шу тамойилнинг тескариси эмасми?

Зеро, маҳалла бўлиб яшашнинг туманлардаги шакли - қишлоқ фуқаролик йиғинларига туғруқ гувоҳномаси бериш вазифасини яна қайтариш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Янги юз йиллик, глобаллашув, информатика ва компьютерлар асри бўлади, дейишмоқда. Дарҳақиқат, биз буни ҳозирданоқ ҳис қилиб турибмиз. Истиқлол йиллари арафасида Ядро-физика институти кўрсатув тайёрлаганимизда олимлар бутун жаҳон билан боғлана оладиган интернет фақат бизда бор деб фахрланишганди. Шундан буён атиги 15 йил ўтди. Эндиликда интернет кириб бормаган бирор ташкилот борми? Ҳозир оилаларда ҳам ушбу замонавий техникалар мавжуд. Фарзандларимиз интернет билан бемалол тиллашяпти. Дастурлар тайёрлашяпти. Дарҳақиқат, мамлакатимиз истиқболи фарзандларимиз келажагига боғлиқ. Улуғвор ва мақтовга сазовор Миллий истиқлол ғояларини қалбга жо қилган ёшларимизнинг саъй-ҳаракатларига, самарали фаолиятига боғлиқ. Ўтган йилларда шунчалик юксакликка эришган эканмиз, янги ўн йиллик диёримиз фарзандлари учун буюклик даври, Ватанимиз ва партиямиз учун босқичма-босқич тараққиётнинг янги юксалиш йиллари бўлишига ишонамиз. Зеро, халқ қатъияти, масрур одимлар ана шундан дарак бермоқда.

Раъно ЗАРИПОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
ЎзМТДП Марказий Кенгаши котиби.

Далаларда ғўза гуллади. Ўзбекнинг ризқи сочилган далаларда деҳқоннинг кўзини қувнатиб, эртага чаноқлардан тошиб, оппоқ бўлиб очиладиган пахталардан нишона берди ғўза гуллари. Ризқи улуғ элнинг хонадонларига барака келишидан даракдир бу. Суюнчли, қувончли кунлардан хабар келди Ўзбекистон далаларига.

Юрт қуёши кулса кулсин элнинг бахти,
Ёмғирлари қутли келсин, қутлуғ келсин.

Хирмон уйса, хирмонлари етсин кўкка,
Элнинг нони бутун, ризқи улуғ бўлсин.

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган суратлар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги «Миллий тикланиш» демократик партияси фракциясида

КОНЦЕПЦИЯ ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

«Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда жамиятни демократлаштириш ва янгилашнинг, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишнинг ҳуқуқий базасини ривожлантириш концепцияси лойиҳаси муҳокама қилинди. Йиғилишни фракция раҳбари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси Хуршид Дўстмуҳамедов олиб борди.

Ҳозирги даврда давлат қурилиши ва бошқарувини такомиллаштириш, қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг роли ва таъсирини кучайтириш, мамлакат суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳамда суд тармоқлари ўртасида муносиб ва барқарор мувозанатни таъминлаш, бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг ҳуқуқий базасини жиддий ривожлантирмай туриб, ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, кучли фуқаролик жамияти асосларини яратиш вазифаларини муваффақиятли ҳал этиб бўлмайди.

Дарҳақиқат, жамиятни демократлаштириш ва янгилашнинг, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишнинг асосий вазифалари Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2005 йил 28 январда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида белгилаб берилди. Мустақилликни мустаҳкамлаш, жамиятни демократлаштириш ва янгилашнинг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш ўта муҳим вазифа ҳисобланади. Шунинг учун ҳам амалга оширилаётган ислоҳотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш ишларини давом эттириш, қонун ижодкорлиги фаолиятида мавжуд бўлган камчиликларни аниқлаш ва уларга барҳам бериш, қонун ижодкорлиги жараёнида амал қилиниши зарур бўлган асосий принципларни белгилаб олиш муҳимдир.

— Лойиҳада илмийлик, ошкоралик, тезкорлик, жамиятдаги ўзгаришларга монандлик, муаммоли вазиятларга барҳам бериш, қонунчиликдаги нуқсонларни ўз вақтида аниқлаш, қонун ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқишда жамоатчиликнинг иштироки қонун ижодкорлиги фаолиятининг асосий принципларига айланиши кераклиги алоҳида уқтирилгани айни муддао, — дейди фракция раҳбари Х.Дўстмуҳамедов.

Йиғилишда фракция аъзолари, Олий Мажлис депутатлари Олимжон Ўсаров, Сарвар Абдуллаев, Абдуғофур Маматов, Раъно Зарипова, Жума Чоршанбиев, Шарифа Салимовалар концепция лойиҳаси бўйича ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Концепция жамиятни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади, деган якдил фикрга келинди.

Ўз мухбиримиз.

Фермер пул тўлаб, яна нега сарсон бўлди?

Юртимиз мустақилликка эришганидан буён, бир қанча соҳалар қаторида фермер хўжаликлари аста-секин қад кўтариб, ривожланиш йўлига кирмоқда. Лекин уларнинг ҳаммасида ҳам муаммолар йўқ деб бўлмайди.

Сирдарё вилояти Оқ олтин туманида жойлашган «Бойлар-Жандар» фермер хўжалигининг сарсон-саргардонлиги «Тико» автомашинасини сотиб олиш учун Сирдарё вилоят «Автотеххизмат» ҳиссадорлик жамиятига 8 миллион 880 минг сўмни ўтказишидан бошланди. Орадан бир қанча вақт ўтса ҳамки, «Тико»дан дарак йўқ. Фермер хўжалигининг бир неча марта қилган мурожаатлари эса, «Автотеххизмат»нинг «автомашинани бугун олиб келамиз, эрта олиб келамиз» каби баҳоналари билан, самарасиз қолиб кетаверган. Бу орада бир неча кишининг автомашинали бўлиб кетганини ҳисобга оладиган бўлсак, фермер алданиб юраверган. Ҳеч нажот бўлмагач, «Бойлар-Жандар» фермер хўжалиги Сирдарё вилоят адлия бошқармаси орқали вилоят хўжалик судига мурожаат қилади. Судда «Автотеххизмат» ҳиссадорлик жамияти ва «Бойлар-Жандар» фермер хўжалиги ўртасида келишув битими тузилиб, унда эндиликда «Тико» автомашинаси заводдан чиқмаётганлиги сабабли олинадиган машина марки «Нексия» деб ўзгартирилган. Ушбу ўзгартиришга кўра «Автотеххизмат» ҳиссадорлик жамияти қолган 1.430.000 сўмни етказиб берган кундан ҳисоблаб, 60 кундан кечиктирмасдан фермер хўжалигига ўз омборидан автомашина етказиб бериш мажбуриятини олган. Лекин «Автотеххизмат» раҳбарияти яна ўз ваъдасида турмаган. Кўрсатилган тўлов тўлиқ ўтказилганидан 60 кун ўтишига қарамасдан, автомашинани бермай, келишув битими ижросини таъминламаган. Ҳамма нарсанинг ҳам меъёри бор. «Автотеххизмат»нинг найрангларидан безор бўлган «Бойлар-Жандар» фермер хўжалиги яна судга мурожаат этишга мажбур бўлади. 2005 йил 27 апрел куни хўжалик суди «Бойлар-Жандар» фермер хўжалиги фойдасига «Автотеххизмат» ҳиссадорлик жамиятидан янги «Нексия- GLE» автомашинасини олиб бериш ҳақидаги ижро варақасини чиқариб, ижро қилиш учун Судлар Департаментининг Сирдарё вилоят ҳудудий бўлимига 2005 йил 28 апрел куни тақдим этади. Шу куни ижро иши юритишни кўзғатиш тўғрисида қарор чиқарилиб, ихтиёрий равишда ижро ҳужжатидаги талабни бажариш учун 3 кун муҳлат берилади. Муҳлат ўтгандан сўнг ҳам талаб бажарилмагач, «Автотеххизмат» ҳиссадорлик жамияти бошлиғининг 12 SV - 012 рақамли «Нексия- GLE» хизмат автомашинаси ҳатланиб, ҳибсга олинади. «Автотеххизмат» ҳиссадорлик жамиятида янги «Нексия» бўлмаганлиги сабабли вилоят Судлар Департаменти 2005 йил 5 май куни «Бойлар-Жандар» фермер хўжалигига 10.310.000 сўм пулни тўлиқ ундириб беради.

Тўғри, иш ҳақли равишда фермер хўжалигининг фойдасига ҳал бўлди. Лекин унумсиз кеттан вақт, икки йиллик оворагарчилик, саргардонлик, бузилган асабларнинг ўрнини нима қоплайди?

Ахир ишбилармоннинг, тадбиркорнинг ҳар дақиқаси ҳисобли. Шуни ҳисобга оладиган бўлсак, эссиз, кеттан вақт, ютқазилган кунлар... «Автотеххизмат» ҳиссадорлик жамияти эса, бўлиб ўтган ишлардан сўнг ўзига яраша хулоса чиқариб олса керак.

Х.ДЎСНАЗАРОВ,
Судлар Департаментининг Сирдарё вилоят ҳудудий бўлими бошлиғи,
Т.ТОЖИБОЕВ,
Сирдарё вилоят хўжалик суди судьяси.

Фаоллар нима дейди?

ИНСОН — МАМЛАКАТ ТАЯНЧИ

Миллий ўзликни ва миллий қадриятларни англаш ютуқларимиз келажакда янада равнақ топишининг гаровидир. Бу йўлдан юриш энг тўғри режаларни амалга ошириш демакдир. Зеро, ўз маънавияти, ҳаёти ва келажагининг бунёдкори бўлган инсон ҳар қандай вазиятда ҳам Ватани, халқи, миллати тақдири учун масъулиятни зиммасига ола билади.

Халқ илғор, ўқимишли, билимли, маданиятли вакилларини «зиёли» деб атайди. «Миллий тикланиш» партияси айнан зиёлиларни уюштирган, ҳам касбининг устаси, ҳам жамоа орасида фаол бўлган кишиларни бирлаштирган партиядир. — Ҳамма замонларда ҳам зиёлилар миллатнинг тоғдай таянчи, орзу-армонларининг ифодачиси бўлганлар. Улар элим деб, юртим деб, элни жипслаштириш учун чинакам курашиб Ватаннинг гуллаб-яшнаши йўлида тинмай ҳаракат қилаяптилар, одамларни хайрли ишларга даъват этаяптилар.

Албатта, биз яхши одатлардан қувонамиз, уларга ибрат кўзи билан қараймиз. Айнан партиядошларимиз орасида эл-юрт манфаатлари йўлида чинакам иштиёқ билан хизмат қилаётганлар жуда кўп. Айниқса, партиямизнинг номига муносиб йўллардан юриб, тўғри ва фойдали режалар билан ишлаб келаётган фидойи зиёлиларимизнинг ҳаракати бизни қувонтиради. «Миллий тикланиш» партияси safida ғайратли, ташаббускор аъзолар кўпчиликни ташкил қилади. Бугунги кунда улар миллий, ижтимоий — сиёсий, маърифий қадриятларимизни тиклаш, уларни ҳаёт воқелигига, ҳар бир фуқаро умрининг мазмунига айлантириш йўлида ғайрат кўрсатмоқдалар. Энг муҳими, келажагимиз эгалари бўлган ёш авлоднинг дунёқарашини миллий тикланиш ҳаракати ғоялари руҳида тарбиялашга катта эътибор қаратилмоқда. Бу уринишлар эрта-индин ўз мевасини бериши аниқ. Ахир яхшилик боғига экилган дарахт серсоя бўлади.

Бугунги кунда ҳар бир партия аъзоси ўз ўрнини ва вазифасини чуқур англаб етаётгани улар бажараётган эзгу ишларда яққол намоён бўлмоқда. Айниқса, партиямиздан номзоди кўрсатилиб, вилоят кенгаши депутатлигига сайланган фаоллариз ибратли ишларни амалга ошираяптилар.

Бу жараёнларни биргина бизнинг Сирдарё вилояти мисолида кўриб чиқишнинг ўзиёқ юқоридаги фикрларимизни исботлайди, назаримда. Асрлар оша қондан-қонга ўтиб келаётган яхши одатларимизни унутмаслик ҳам миллий анъаналарни сақлаш йўлида қилинган кичик бир ҳаракат бўла олади. Тўғри, халқ орасида «Яхшиликни қилу, унут», «Ўнг қўлинг берганини чап қўлинг билмасин» каби нақллар мавжуд, бу эзгу иш кўзкўзлаш учун қилинмайди, деган маънони англатади. Бироқ, орамизда одамларга доимо очиққўнгиллик, очиққўллик билан ёрдам бериб яшовчи олижаноб инсонлар борлиги, улар кўпчилик эканлигини билдириш ҳам ибрат учун зарур деб ўйлайман.

Атрофни кўркам қилиш учун ниҳол, кўчат экилгани, ризқ умидида дон, уруғ сочилгани каби дилларга ҳам эзгулик ниҳоллари ўтқазилади, яхшилик уруғи қадалади. Бу билан эса, меҳр ришталари мустаҳкамланади. Эл орасида ана шундай эзгу ишларни қилишга бел боғлаган кишилар борлигининг ўзи Яхшилик деган номнинг умри узоқлигини кўрсатиб турибди. Ишнинг кўзини биладиган, фаол депутатимиз Алижон Ёриев Сирдарё туманидаги А.Навоий номидаги 24-мактабга ўқувчилар орзу қилган компьютер совғаси билан кириб борганида,қишлоқ болаларининг кўзи яшнаб кеттанини кўрганим эсимда. У иккита жамоа хўжалигида эл-юртнинг эсидан чиқмайдиган хайру савоб ишларни амалга оширди.

Баҳром Сафаров ҳам Алижонга ҳамкасб, шифокор. Унинг хайрли ишлари бугун «Маданият» маҳалласи аҳлининг тилида. Унинг кам таъминланган оилаларга баҳоли қудрат ёрдами ва эътиборидан, ширин сўзлигидан кўпчилик мамнун.

Вилоят тез тиббий ёрдам илмий текшириш институти директори Ҳотам Нишоновнинг доимо қўли-қўлига тегмайди. У Гулистон туманида 100 нафар кишини бепул тиббий кўрикдан ўтказиб, 6 кишини сиҳатгоҳларга бепул дам олишга йўллади. Депутат Абдуллажон Турдиқулов эса бу йил ўзи ташаббус кўрсатиб, Ховос туманида минг туп мевали дарахт кўчатлари экилишига бош-қош бўлди. Кўчатлар бугун барқ уриб ўсмоқда. Ҳашарлар уюштириб, ободончилик ишларининг кенг кўламда олиб борилишига ҳам алоҳида эътибор бериб, вақт ажрата олади у.

Дилбархон Қобулова эса, Гулистон шаҳар санитария-эпидемиология марказининг бош врачи. У касбига садоқатли. Ўзи айтганидек, ҳар бир хонадоннинг озодалиги шаҳар озодалигини белгилаб туришини ходимларга доимо эслатиб туради. Маҳаллаларнинг кўркам, чиройли, ораста бўлиши учун курашишни бурчи деб билади ва ўз бурчини сидқидилдан адо эта олади. Ҳасан Шерматов шаҳардаги «Дўстлик» қўрғони аҳли билан ҳамкорлик ўрнатган. Қўрғончадаги нимаики тадбир бўлса, хизматга бел боғлаганлар safida уни кўриш мумкин. Бу ҳам ўз ишига садоқатли бўлишдан бир нишона эмасми!

Дарҳақиқат, депутатларни эл ўзи саралаб, сайлаб олган. Ишончни оқлаш, виждон уйғоқлиги, қуруқ, баландпарвоз гаплардан йироқлик депутатларнинг муҳаосидир. Бундай уддабурон, ҳожатбарор инсонлар билан ишлаш кишига завқ-шавқ беради. Улар билан бамаслаҳат ўтказган тадбирларимиз ҳам эсда қоларли бўлмоқда. Яқинда, вилоят шифохонасининг сўлим ҳовлисида «Огоҳ элнинг осмони соф» мавзуида катта тадбир ўтказдик. Унда 800 нафардан зиёд киши қатнашди. Уларнинг кўпчилиги ёшлар эди. Сўзга чиққанлар Андижонда бўлган мудҳиш воқеаларга ҳам ўз муносабатларини билдирдилар.

Бир сўз билан айтганда, барчамиз мустақиллигимизни мустаҳкамлашда, тинчлик-осойишталикни сақлашда, эл фаровонлиги, инсон баркамоллиги йўлида халқ билан бирга бўлишда доимо куч ва ғайратимизни аямайлик! Ахир баркамол инсон мамлакат таянчи бўла олади.

Маматкул БОЗОРБОЕВ,
«Миллий тикланиш» демократик партияси Сирдарё вилоят Кенгаши раиси.

ОАВ – ЎЗБЕКИСТОН МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

ЮРАК АМРИ БИЛАН ЁЗАЙЛИК

Бугунги саҳифамиз меҳмони таниқли адиб ва журналист, «Қишлоқ ҳаёти» газетаси бош муҳаррирининг биринчи ўринбосари — Ҳабиб Темиров

—Ҳабиб ака, аввало, сизни журналистларнинг касб байрами билан қутлаймиз. Мана шу байрам муносабати билан касбдошларга тилак ва истакларингиз?

—Муҳтарам касбдошларимизга ўзимнинг қизғин ва самимий табрикларимни йўллайман. Уларга мустаҳкам соғлик, ижодий ютуқлар тилайман.

—Маълумки, сиз чорак асрдан буён журналистика соҳасида ишлаб келмоқдасиз. Шунингдек, ёзувчи сифатида журналист фаолиятига оид бир неча асарлар ёзгансиз. Бугунги муракаб шароитда сизнингча журналист қандай бўлмоғи керак.

—Менимча, ғоят шиддат билан ривожланаётган бугунги даврда журналист билимдон, виждонли, етук мустақил ҳаётий позицияга эга киши бўлмоғи зарур. Дунё ахборот майдонида кечаётган ва тобора кескинлашиб бораётган рақобат шароитида хориждаги айрим доиралар томонидан авж олдирилаётган «ахборот уруши», «ахборот қамали» муҳитида бу ниҳоятда катта аҳамиятга эгадир. Сир эмас, жаҳонда бугун инсон онги, шуури учун аёвсиз кураш авж олиб кетди. Бу кураш антагонистик ғоялар муҳорабасига, цивилизациялар уруши гирдобига ташланиб кетмаслиги, инсоният яна «совуқ уруш» гирдобига тушмаслиги учун ахборот майдонида ақл—идрок, соғлом тафаккур, ҳаллолик ва босиқлик, ҳақиқатгўйлик устувор бўлмоғи зарур. Афсуски, унга ҳамма бирдек амал қилаётгани йўқ. Кимлардир ўз сўзини ҳаммага ўтказмоқчи, маъқуллатмоқчи бўлади, бир қутбли дунё яратишга уринади, тарих сабоқларини, дунё тараққиёти тамойилларини писанд этмасликка ҳаракат қилади, ахборот майдонида сохтагарчилик, ёлғончиликка асосланган зўравонлик ва жазава муҳитини яратишга интилади. Ана шундай ғирром ўйинлар шароитида журналистнинг холислиги, виждон амри ва ҳаққоният сўроғига «лаббай», деб жавоб бериши ҳақиқат манфаатларини ҳамма нарсадан устун қўймоғи жуда—жуда муҳимдир.

—Мана шу ўринда журналистнинг ватанпарварлик туйғуси, миллий ғурури ҳақида нима деган бўлардингиз?

—Ватанпарварлик, миллий ғурур муқаддас тушунчалар, айниқса, ижод аҳли учун уларнинг маъно—моҳияти жуда ҳам кенг, жуда ҳам терандир. Аслида ижодга, ижодкорликка бўлган ҳавас, иштиёқнинг ўзи ҳам ана шу тушунчалар, ана шу туйғулар замирида вужудга келади. Шу боисдан ҳам ижодкорман, деган ҳар бир инсоннинг ижодида биринчи галда ана шу мавзулар етакчи ўрин тутади. Бинобарин, бугунги мураккаб замонда ҳар бир журналист буни мудом ёдда тутмоғи, наинки ёдда, балким юрагининг тўрида сақламоғи, ўзининг бутун ижоди маҳоратини шунга камарбаста этмоғи, юрак амри билан ёзмоғи шарт. Улуғ шоиримиз Усмон Носир «Юрак» шеърида шундай ёзган эди:

Итоат эт,
Агар сендан
Ватан рози
Эмас бўлса
Ёрил, чақмоққа айлан сен,
Ёрил, майли тамом ўлсам.

Ватанга муҳаббат, миллий ғурур ҳақида бундан ошириб айтиш қийин.

—Мароқли суҳбатингиз учун раҳмат!

Ўринбой КЕНЖАЕВ ёзиб олди.

КИТОБ-ХАЗИНА

НОШИРЛИК ДУНЁСИДА

Матбаачилик тарихига назар ташлайдиган бўлсак, бир пайтлар китоб, газета ва журналлар бугунги кундаги шароит билан солиштирганда жуда катта меҳнат эвазига чоп этилган. Кейинги йилларда нашриётларнинг компьютерлаштирилиши, босмахоналарнинг замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланиши ноширларнинг ишини анча енгиллаштирди. Бундан ташқари, чоп этилаётган матбаа маҳсулотларининг сифати ҳам янада яхшиланди.

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни арафасида бир гуруҳ ноширлар иши билан яқиндан танишиш мақсадида Ғафур Ғулом номидаги нашриёт—матбаа ижодий уйида бўлдик.

—Жамоамиз сафи 2004 йилдан бошлаб анча кенгайди, — дейди нашриёт директори ўринбосари, бош муҳаррир Назира Жўраева. — Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги тизимида фаолият юритиб келган Ғафур Ғулом номидаги нашриёт ва «Ёзувчи» нашриётлари, Тошкент рангли босма фабрикаси негизида Ғафур Ғулом номидаги нашриёт—матбаа ижодий уйи тузилди. Бу ҳамкорлик, яъни ношир билан матбаачи кучни бирлаштириб ишлаш бизга катта имконият яратди. Янги мақом, янги вазифа туфайли иш тартиби янгиланди. Нашриётимизнинг 2005 йилги режаси ўтган йилларга қараганда анча пухта—пишиқ тузилганлиги ҳам буни исботлаб турибди. Сир эмаски, матбаачиликда маҳсулотни босишгача бўлган жараён муҳим аҳамият касб этади. Бизда замонавий дизайн—студия бор, у матн териш, суратларни сканерлаш—дан тортиб, то тайёр диапозитивларни чиқаришгача бўлган операцияларни бажаради. Асосан беш йўналиш бўйича — «Мумтоз адабиёт», «Ўзбек адабиёти», «Халқ оғзаки ижоди», «Таржима адабиётлар» ва «Болалар адабиёти» туркумида бадиий адабиётлар ҳамда дарслик китобларни чоп этиб келмоқдамиз. Асосий мақсадимиз — ёш авлодни мумтоз адабиётимиз ҳамда жаҳон адабиёти дурдоналари билан яқиндан таништириш. Бунинг учун нашрдан чиқаётган китобларнинг кўп қисмини лотин ёзувига асосланган янги ўзбек имлосида чоп этишга бел боғлаганмиз. Энг муҳими, қайта нашрдан чиқаётган китобларда аввалги нашрларда йўл қўйилган камчиликлар ва қисқартиришлар тузатилган. Масалан, «Боқий сатрлар» туркумидаги Алишер Навоийнинг «Лисон ут—тайр», 5 китобдан иборат «Хамса» асарларини ўқувчиларимиз янги имлода, аввалги камчиликлардан ҳоли ҳолда ўқишлари мумкин. Бундан ташқари, Фаридуддин Атторнинг «Мантиқ ут—тайр» асари ҳам 10000 минг нусхада китобхонлар қўлига етиб боради. Аҳмад Яссавийнинг «Ҳикматлар» гулдастаси, «Темур тузуклари», Нодиранинг «Меҳр—муҳаббат гулшани», Боборахим Машрабнинг «Дилим дарёи нурдур», Фурқатнинг «Сайдинг қўёбер, сайёд» сингари тўпламлари ҳам қалин жилдли китоб ҳолида янги имлода нашр этилиши режамизда бор. Болалар учун «Ўзбек халқ эртаклари», «Калила ва димна», Худойберди Тўхтабоевнинг «Беш болали йигитча», Азиз Несиннинг «Кўзимга иссиқ кўринаяпсиз» номли асарларини нашрга тайёрлаяпмиз. Санаб ўтганларимиз иш режамизнинг ўндан бири, холос.

Китобларнинг муқоваси—даги суратларни нашриётимиз рассоми Анатолий Бобров юксак дид билан ишлайди.Бир сўз билан айтганда, доимий изланишдамиз, энг нодир китобларни китобхонлар қўлига етказиб бераётганимиздан бахтиёрмиз.

Нашриёт уйининг ҳар бир ходимини қизғин иш жараёни устида учратдик. Ҳар бир китобнинг юзага келишида уларнинг катта ҳиссаси бор. Тажрибали ноширлар Ҳикоят Маҳмудова, Маъсуда Йўлдошева, Илҳом Зоиров, Людмила Казакова, Назми Фозиловаларнинг китобга бўлган меҳри беқиёслигли уларнинг ўз ишига сидқидилдан ёндошишидан сездик. Ҳамкасблари нашриёт ходимлари Фотима Ортиқова, Галина Отаскевич, Татьяна Смирнова, ишлаб чиқариш етакчилари Музаффар Ўрмонов, Альмира Мансурова, Мақсуд Жабборов, моҳир ишчилар Фарида Омонова, Неъмат Обидов, Илёс Муродов, Муяссар Ашурова, Зулхумор Иброҳимова, Маҳмуд Тўлагановларнинг фаоллигини айтишди.Мухлисларга манзур китобларни тайёрлашда ҳормай—толмай меҳнат қилаётган ноширларнинг касбга бўлган садоқати иш унумидан сезилиб турибди.

Эсимда, бир китобсевар синфдошим айнан шу нашриётнинг рамзи билан чиқадиган китобларни танлаб ўқирди. Ҳар доим қишлоқ кутубхонасига борганимизда унинг китоб изланишини кузатишни яхши кўрардим. Бир куни китобхон дугонамдан нимага бундай қилишининг сабабини сўрадим.

Ўшанда Ғулноза «Энг яхши китоблар шу нашриётда чиқади» деб қисқагина жавоб берганди.

Мен бу гапни нашриёт ишига берилган ҳақиқий баҳо деб ўйлайман. Катта режалар билан ишлаётган нашриётнинг минглаб ана шундай мухлислари бор. Кўп минг сонли китобхонлар номидан биз бугун иш фаолияти ҳақида ҳикоя қилган ноширлар жамоасининг келгусидаги ишларига муваффақиятлар тилаймиз. Зеро, китоб — Хазина. Уни китобхонлар қўлига етказаётган ноширлар эса, кўнгли эзгуликка бой инсонлардир.

Гулбаҳор ОРТИҚХЎЖАЕВА.

ЖУРНАЛИСТ—

Қизилтепада ҳам журналист

Ҳар бир вилоятнинг маданий ҳаётида ўчмас из қолдирган, адабий муҳитни яратган фидойи зиёлилар ёзувчи, журналистлари бўлади. Эллигинчи йилларда ўнлаб истеъдодли ёшларни адабиёт ва ижод майдонига олиб кирган шоир Тошпўлат Ҳамид атрофида ёшларни жипслаштириб, уларга устозлик қилиб, Бухоро адабий муҳитини яратган. Олим ва шоир Душан Файзий, Мурод Халил, Тошпўлат Аҳмедов, мумтоз адабиётнинг жонкуяри Тожи Қораев, заҳматкаш адиб ва журналистлардан Умид Сатторов, Раҳимжон Мақсудовларни халқ ўз дардига, орзуларига шерик бўлган, дадил фикрли ижодкорлар деб қаттиқ ҳурмат қилади.

Умид Сатторов узоқ йиллар Навоий ва Бухоро вилоятининг етакчи газетасида бош муҳаррир бўлиб ишлади. Аёнки, етакчи нашр бўлган вилоят газеталари халқ ҳаётининг барча қирраларини қамраб олувчи, ҳозиржавоб, тезкор газета бўлиши учун унинг бош муҳарриридан жуда катта билим, журъат ва ноширлик маҳорати талаб этилади. Газета чўпонлар ҳаётини, деҳқонларнинг дала машаққатларини ўз саҳифасига олиб чиқар экан, сўз қудрати билан чўпон ва деҳқонга маънавий мадад берувчи, уни илҳомлантирувчи қудратга айланади. Умид Сатторов ўзи ёзган очерклари, лавҳалари, хабарлари билан мухлислар—нинг ишончини қозонгани бежиз эмас. Аслида у яхшигина прозаик, жўшқин шоир ва холис тарихчи ҳамдир. Мустақилликкача Умид аканинг ёзганлари бошқача бир мактабнинг сабоқлари бўлса, истиқлолдан сўнг ҳақиқий эркинлик, ижоддаги жасорат уни яшартириб юборди. Навоий ва Бухоро вилоятининг барча гўшаларини кезиб чиққан, одамларнинг ҳаётини, орзу—интилишларини яхши англаган Умид Сатторов ижодининг янги қирралари намоён бўлди. Қизилтепа томонлардаги қадамжолар, у ерда яшаб ижод этган буюк инсонлар, шайхул машойихлар тарихини изловчан ўрганиб, ўзгача бир ихлос билан ёзди. Таъқиб—тазйиқ йилларида замон чиғириқларидан ўтган матонатли инсонларнинг ибратли умр йўлларини ёритди. «Насиҳат», «Олтин лаҳзалар», «Ўн машойих ҳикояти» каби китоблари қўлма—қўл бўлиб кетди. Унинг «Мокининг учи нега эгри» деган ривоятини ўқисангиз, инсон шахсининг мўъжизакор қудрати ҳақида тасаввурга эга бўласиз. Қизилтепа тумани тарихини ёзаркан, Умид Сатторов ўз юртдошларининг ҳаётидаги нурли ва қоронғу томонларини билимдонлик билан ёритди, қанча унут бўлиб кетган эл—дошлари номини элга қайтарди. Унут бўлган зиёратгоҳлар, тепаликлар ҳақида ёш авлодга ибратли ҳикоятлар сўйлаб берди. Умид Сатторов давраларга кирганда шеърлари билан халқнинг кўнглини чароғон этиб келаётган, юрагида ватанпарварлик туйғуси ёниб турган ижодкор сифатида доим ҳурматга сазовор бўлган. Бухоро ва Навоий вилоятининг ҳар битта гўшасида Умид Сатторов эккан ниҳоллар—истеъдодли шогирдларни учратиш мумкин. У доимо ижодкор, ёзувчи ва журналист сифатида ўз қадрини жуда баланд тутиб, масъулият билан сўз айтади. Ҳозир ҳам Республика ва вилоят нашрларида қизиқарли ажойиб ҳикоялар, ривоятлар, эсдаликлар ҳамда ўз замондошлари ҳақида лавҳалар ёзиб, ёшларга ўрнак бўлиб яшамоқда.

Зарур сўзнинг қадри

Қизилтепада «Қизил тонг» газетаси чоп этила бошланганига 70 йил бўлади. Ушбу нашр 70 йил давомида кўп муҳаррирларни кўрган. Лекин газета халқнинг юрагига мустақиллик йиллари яна ҳам яқинроқ келди. «Қизил тонг» газетасида 1987—90 йилларда жуда кўп муаммолар кўтарилди. Шулардан энг муҳими экология муаммоси эди. Ўртачўл зонасида собиқ совет даврининг кимёвий чиқитлар «қабристони» мавжуд эди. Ана шу ўта зарарли чиқитлар атроф—муҳитни булғаётгани, одамларнинг соғлигига зиён етказаётгани ҳақида «Дўстлик байроғи» газетаси билан биргаликда «Қизил тонг» газетаси ҳам тинимсиз бонг урган эди. Газетада бонг ураётганларнинг биринчи сафида муаллим, журналист, бир неча йиллар ҳоким ўринбосари бўлиб ишлаган Раҳимжон Мақсудов турган эди. «Қизил тонг»нинг нури барча қишлоқлардаги қоронғу нуқталаргача етди.

1998 йилнинг май ойидан бошлаб Раҳимжон Мақсудов «Қизил тонг» газетасига раҳбарлик қила бошлади. Газета ҳафтада бир марта чоп этилади. Бир марталик нусхаси 9200 дона. Таҳририят жамоаси обуначиларга газетани ўзлари етказиб беришади. Шу сабабли ҳам обуначи бир донаси учун 79 сўм пул сарфлайди. Раҳимжон Мақсудов яхшигина ижодкор ҳамдир. Унинг саргузашт ҳикоялари, «Қизилтепа босмахонаси тарихидан лавҳалар» китоблари чоп этилган. Унинг «Табиат, фалокат ва унга муносабат» китоби атроф—муҳит мусаффолиги, табиат ва инсоннинг ўзаро муаммолари ҳақида баҳс этади. Раҳимжон Мақсудов жамоа хўжаликларида, мактабларда, коллежларда газетанинг ижодий учрашувларини кўп ўтказади. Учрашувлардан сўнг ҳар гал газета саҳифаларида алоҳида ёшлар ижодига бағишланган саҳифалар эълон қилинади. Адабиётни, санъатни, ижодни севган Қизилтепа ёшлари учун «Қизилтепа тонги» газетаси қошида ёш ижодкорлар тўгараги ҳам ишлаб туради. Раҳимжон Мақсудов қайси даврага кирса, маънавият ҳақида, халқнинг, айниқса, ёшларнинг уйғоқлиги хусусида ёниб сўзлайди. У халқимизнинг бошидан кечган зўравонликлар жабри, уруш машаққатлари, «пахта иши» каби кўргуликлардан сўзлаб, ёшларнинг эътиқодини мустаҳкамлашда қатқиқўл муаллимдай сўз юритади. Қизилтепа тупроғи аслида шоирлар, ҳофизлар, Мирза Азим Сомий Бўстоний каби аллома—ю, Саидмурод Паноҳ каби оташин бахшилар ватани. Адабиётимизнинг зариф сўзли шоирлари Ҳалима Аҳмад, Саъдулла Аҳмад, Азиз Саид, Жаҳонгир Исмоилов, Манзура Холова, Клара Бозоровалар Зарафшоннинг сувини ичиб, Қизилтепа кенгликларида улғайгандирлар. Уларнинг барчаси камолида Умид Сатторовнинг, Раҳимжон Мақсудовларнинг меҳридан, ихлосидан бир ҳовуч шуъла тушган. Миллий матбуотимиз байрами кунларида камтарин ва заҳматкаш, қаламкаш азиз инсонларни чин дилдан қутлайман. Элга сўз айтиш бахтига эга бўлган инсонлар доимо халқ меҳри, эътиборида бўлади. Бундай меҳр эса камдан—кам одамларга насиб этади.

Ойдин ҲОЖИЕВА,
Ўзбекистон халқ шоири.

Суратда таниқли журналистлар Дилбар Саидова ва Санъат Маҳмудова.

СУРАТКАШНИНГ ЎТКИР НИГОҲИ

Бир қарашда оддийдек туюлган фотомухбирлик касбининг заҳматини бу касбнинг нонини еган кишигина яхши ҳис қила олади.

Қачон қараманг, иш қуроли билан ҳар ерда ҳозиру нозир бўлиб турадиган фотожурналистнинг ҳаёти бошқаларникига сира ўхшамайди. Атрофдаги ҳодисаларни тезкорлик билан, бир лаҳзада тарихга муҳрлашдек шарафли касб эгаси, тажрибали фотожурналист Нўъмонжон Муҳаммаджоновни билмаган ҳақиқий газетхон йўқ бўлса керак.

— Агар менга қайта касб танлаш имкони берилганда, яна шу йўлни танлаган бўлардим, — дейди кулиб Нўъмонжон ака. —Инсон ўзи севган касбда ишлагани қандай яхши. Ана шунда бажараётган ишингиз ҳам мўъжизадек туюлади ўзингизга, мароқ билан ишлайсиз. Агар, сиз олган бирорта сурат газетада чиқса, чарчоқларингиз ҳам унут бўлади.

Суратқашликка ўқувчилик йиллариданоқ катта қизиқиш билан қараган бўлажак фотомухбир кейинроқ бу соҳага жиддий киришди. «Теримчи қиз» деган ном билан Москвадаги марказий матбуот нашрларининг бирида илк сурати эълон қилингандан кейин унга отаси фотоаппарат совға қилганини ҳам у ёруғ ҳаёллар билан эслайди.

Узоқ йиллардан буён фотоархивида сақлаб келаётган ноёб суратларни йиғиб, бир китоб ҳолида нашр этиш режаси борлигини айтаётган журналистга ҳавасимиз келди. Тўғри—да, фотоархивларда ҳамиша эслашга арзирли ҳикоялар кўп бўлади. Суратлардаги кечаги куннинг қиёфаси яққол кўз ўнгингизда намоён бўлади.

М.РАҲМАТОВ

«ЧАШМА НУР»НИ ЎҚИДИНГИЗМИ?

Бугунги кунда юртимизда юзлаб нашрлар фаолият кўрсатяпти. Ҳар бир газета (ОАВ) ўз ўқувчисига эга бўлиш учун ҳаракат қилади. Ҳаракатлар самараси ўлароқ, қайсидир нашр олди—қочдига зўр бераётган бўлса, яна баъзи газеталар ўзининг муайян мазмун— мундарижасига эга бўлиб бормоқда. Шуни таъкидлаш жоизки, зукко ўқувчини алдаб бўлмайди.

«Чашма Нур» газетаси дунё юзини кўрганига унча кўп бўлмаса—да, ўз ўқувчиларига эга бўлиб улгурди. Дастлабки чиқишлариданоқ, жаҳон адабиётининг дурдона асарларидан бирига айланган буюк рус адиби Лев Толстойнинг «Иқрорнома»сининг эълон қилиниши, шунингдек, республикамиздаги таниқли журналист ва ёзувчиларнинг сара асарларининг бериб борилиши газетанинг муваффақиятини таъминлади.

Газетанинг янги 24—сони ҳар галгидек ранг—баранг рукнлар, ўқувчиларни жалб қилувчи қизиқарли мақолалар, хабарлар билан бойитилган.

Бугунги куннинг долзарб мавзусига айланган Андижонда рўй берган фожиали воқеалар ҳақида «Жамият ва мафкуравий кураш» рукни остида «Ўйдирмалардан мақсад нима?» номли Анфим Хлизовнинг мақоласи берилган. «XXI аср баширияти» рукнида «Дунё саҳнасида» номли бир неча қизиқарли хабарлар эълон қилинганки, бу саҳифа ҳам ўқувчининг назаридан четда қолмайди.

Голливуд киноюлдузи Пенелопа Крузни «Испания жодугари» деб аташларига сабаб нима? Бу саволга жавобни «Голливуд олами» рукнида берилган «Мен улғайдим» номли мақоладан олиш мумкин. «Билимхона» рукнида «Велосипеднинг ихтирочиси ким?», «Истеъмолга яроқли сув қанча?», «Пойтахтни нега кўчиришади?», «Банклар қачон пайдо бўлган?» сингари саволлар қўйилиб, сўнгра батафсил жавоблар ёритилади. Газетанинг 5—саҳифасидаги «Ҳомон ва Миср ёзувлари» мақоласидан Қуръони Каримда номи зикр этилган Фиръавндан ташқари, унинг яқин аъёнларидан бири бўлган Ҳомон ҳақида билиб олишингиз мумкин. Газетанинг 6 ва 11—саҳифаларида эса таниқли ижодкор Ҳабиб Темировнинг давомли равишда бериб борилаётган «Журналистнинг хатоси» номли детектив қиссасини ўқишингиз мумкин. Булардан ташқари, газета саҳифаларида бериб борилаётган ҳафталик теледастурлар, қизиқарли сканвордлар муштарийни бефарқ қолдирмайди.

Хуллас, 16 саҳифали ушбу газета зукко ўқувчининг доимий ҳамроҳи бўлиб қолишига ишонамиз.

Мансур ҚОДИРОВ

Эҳтиром

ТАБАРРУК ЗИНАЛАР

Эсимни таниганимдан буён ва то ҳанузгача мана шу зиналардан кўтариламан. Улар тошдан яралганига қарамай, мен учун жуда қадрли. Қадрлилиги шундаки, мени кўп бебаҳо инсонлар билан билан юзма—юз қилди, яқин кишимга айлантирди. Мени адабиётнинг, шеърият дунёсининг одамлари билан ошно этди. Зиналар дастлаб Ургут деб аталувчи мамлакатда ҳассос шоир, устоз Файзи Ҳайдаров, Қаҳрамон Суяров, Ёрқин Йўлдошев, ўткир публицист Карим Баҳриев, шоиралар Мавлуда Мирсаидова, Феруза Шодиева, мумтоз адабиётимизнинг билгувчилари Эргаш Мажидов, Ҳусниддин Фаёзов ва бир гуруҳ шоирлар ижод этаётганидан бохабар этди мени. Чунки мен айнан шу зиналардан кўтарилиб улар ҳузурида пайдо бўлардим. Ва тўғри «Маданият бўлими» деб ёзиб қўйилган эшик томон йўналардим. Мени ўрта бўйли, юз—кўзидан нур ёғилиб турган устоз Нарзулла Файзиев кутиб олардилар. Қандай файзли, шукуҳли ўтарди суҳбатларимиз. Мен янги шеър, улар янги ғазалларидан ўқиб берардилар. Ғазаллардан айримларини Тошкентга олиб келиб нашрларга тарқатардим.

«Чашмалар» адабий тўгараги ҳар 10—15 кунда 20 чоғли ижодкорни бағрига тўпларди. «Энг яхши шеър учун», «Баҳри байтда моҳирлиги учун», «Топқирлиги учун» номинацияларида ғолибларга чиройли муқовали китоблар совға этиларди.

Талабаман, ҳар ўн беш кунда Тошкентдан «Чашмалар»га қатнашиш учун етиб келаман. Тўгарак соат бирларда бошланарди. Саҳар йўлга чиқсам вақтида келардим. Баъзан чой ичолмаган кезларимиз Нарзулла ака биз ижодкорларни тушлик билан сийлардилар. Кейинчалик оилали бўлганимда ҳам ул—бул кўтариб биз ёш оиладан хабар олганлар. Айниқса, бир воқеа ҳеч ёдимдан кетмайди. Қизим жарроҳлик йўли билан туғилди. Тумандан бир гуруҳ ижодкорлар — Нарзулла Файзиев, Файзи Ҳайдаров, Мавлуда Мирсаидова, Матлаб Ҳасановлар то мен операциядан чиққунимга қадар кутиб турганлар. Раҳматли қўли енгил акушер—гинеколог Нарзулла Зиёдуллаев йиғлаб турган устозимнинг олдига келиб: «Бу аёл кимингиз бўлади?» деб сўраганларида «қизим», деб жавоб берган эканлар. Мен буни кейинчалик эшитдим. Мана шундай инсонлар (аввало Худо)нинг эътибори, меҳри туфайли қизим иккимиз омон қолдик. Мен ургутликлар, ургутлик ижодкорлардан кўп яхшиликлар кўрдим. Шунинг учун бугун ҳузуримга келган барча юртдошларимни хоҳ таний, хоҳ танимайин яхши кўраверaман. Чунки уларнинг қай бири мен учун жонажон зиналардан кўтарилган. Қай бири яшнаб турган кўчаларимдан юрган. Тоза, ширин ҳаволаридан сипқорган. Мен эса улардан бир дунё меҳр, садоқат, илҳом, эзгулик ҳаволарини сипқордим. Бугун журналистика соҳасида ишлаётган, нималаргадир эришган, эришаётган бўлсам, ўша — қадрдон сиймоларнинг, устозларимнинг жуда катта ҳиссалари бор деб ўйлайман. Ва ҳар гал шуни ўйлаганимда дил—дилимдан миннатдорлик туйғуларини ҳис қиламан.

Бугун ҳам, ҳар сафар Ургутга борганимда, мўъжазгина қурилган редакция биносига, албатта, кириб ўтаман. Устозлар билан кўришаман. Кўзларим беихтиёр «Маданият бўлими» эшигига қадалади. Энди Нарзулла Файзиевни кўрмаслик армони юрагимни ўртаб юборади. Ўртаниб кетсам—да, улар умр мазмуни бўлган ғазаллари, чироғини ёқиб ўтирган фарзандлари, издошлари — бизнинг сўзимизда, тарбиямизда, шеърларимизда яшаб қолаверади.

Ётган жойингиз нурларга тўлсин, устоз!

Дилором ИСМОИЛОВА,
«Шуҳрат» медали соҳибаси.

ТАДБИРЛИНИ ЭЛ СУЯР

Ромитан томонларда

У онаси ҳузурига жуда хурсанд қайтди:

— Онажон, ниҳоят иш топдим. Қўшни Қалайчорбоғ қишлоғида Бозорбой исмли бир тадбиркор янги тикув цехи очибди. Ўша ерда ишлайман энди.

Қувонмай бўладими, ахир у мактабни битирганига икки йил бўлса ҳамки, бирор жойга ишга киролмай юрганди. Ўқий деса, оиланинг иқтисодий шароити ночор...

Мана, унинг ўша қувончли, иш бошлаган кунига ҳам олти йил бўлибди. У энди тажрибали мутахассис. Кичиккина тикув цехи эса бугунги кунга келиб нафақат туманда, балки вилоят, мамлакат миқёсида оғизга тушган корхонага айланган. Ҳар йили янги ишчи ўринлари очилаётганини айтмайсизми? Бунинг нечоғли аҳамиятли эканини, ўзингизни йиллар давомида иш қидириб тополмаган киши ўрнига қўйиб кўрсангиз, биласиз!

Ромитан туманининг Қалайчорбоғ қишлоғида жойлашган «Имиджтекстил» масъулияти чекланган жамиятидамиз. Турли хил мевали ва манзарали дарахтлар файз бериб турган корхона ҳудуди саранжом — сариштa. Жамият раиси Бозорбой Норов бизни ишлаб чиқариш жараёнлари билан таништирди.

Корхонага кираверишда «Камаз» юк автомашинаси — дан хомашё — бўз матоси ўрамлари туширилиб, текширилиб, қабул қилинаётган экан. Бўзни қандай пардозлашнинг гувоҳи бўлдик. Бўз матосини оппоқ сурп ҳолатига келтириш, матога гул босиш жараёнларини кузатдик. Ҳамроҳим корхонада Чехия, Словакия ва Россияда ишлаб чиқарилган ускуналар ёрдамида маҳсулотлар тайёрланаётганини айтди. Бу ерда ип, сочиқ, оқартирилган сурп, чит, ётоқ учун анжомлар тайёрланаётир. Энг қувончлиси, 110 хил турдаги чит маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун имконият мавжуд. Турли — туман гуллар босилган матоларни кўрган кўз қувонади. Турли ранг ва бичимдаги момиқ сочиқларни айтмайсизми?

Бу ерда ишчи — хизматчилар учун талайгина шарт — шароитлар яратилган. Жамият ҳисобидан ишчи — хизматчилар икки маҳал иссиқ овқат билан таъминланган. Ўртача ойлик маошлар ҳам қирқ минг сўмдан ортиқ. Бу маош миқдорига қишлоқ шароитида ҳавас қилса арзийди.

— Ўтган йили 14 миллион 336 минг сўм соф фойда олдик, — дейди жамият бош ҳисобчиси Эркин Файзиев. — Жорий йилнинг биринчи чорагида эса, 6 миллион 293 минг сўм соф фойда кўрдик. 11 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот чет элга экспорт ҳам қилинди. 40 ўринли ошхона ишчилар хизматида. Ўн ўринли дам олиш хонасида ҳамма шароит муҳайё. Куни кеча ишчи — хизматчиларнинг фарзандларини корхона маблағлари ҳисобидан ёзги дам олиш оромгоҳига жўнатдик.



Корхонада, асосан, ёшлар ишлашади. «Қалайчорбоғ», «Кулола», «Арабхона» қишлоқлари ёшлари учун катта имкониятлар очилаётир. Бугунги кунда корхонада 47 нафар йигит — қиз фаолият кўрсаётаётир. Яна 10 нафар қишлоқ ёшлари Бухоро вилояти меҳнат биржаси йўлланмаси орқали ишга қабул қилинди.

Гул босувчи Фахри Шаропов, матога ишлов берувчи Алишер Ҳафизов, бўзни оқартириш оператори Яхши Неъматов, қозонхона ишчиси Қаҳрамон Раҳимов, товар сифатини аниқловчи Фазолат Шараповалар ўзларининг намунали фаолиятлари билан ҳамкасблари орасида обрў — эътибор қозонган.

— Қишлоққа саноатнинг киришидан туб аҳоли манфаатдор бўлаверади, — дейди корхона таъминот бўлими бошлиғи, туман кенгаши депутати Собиржон Қосимов. — Корхонамиз қишлоқларни тоза ичимлик суви билан таъминлашга ҳам ўз улушини қўшди. 110 метр чуқурликдан ичимлик суви чиқарилди. Ҳозирда бир неча қишлоқ аҳли шу қулайликдан баҳраманд.

Улар корхона раҳбарларини дуо қилишаётир. Сув келтирган элда азиз, деб шунга айтилади.

«Сахий кишининг таоми ширириндир», деган ҳикмат бор. Одамзот учун саховатдан яхшироқ ва азизроқ ёқимли сифат йўқ. Корхона раҳбари Бозорбой Норов номига ҳам сахийлик сифати безак бериб турибди. Корхона томонидан қарияларга, кам таъминланганларга, бо — қувчисини йўқотганларга ёрдам берилаётир. Раҳбарнинг ташаббуси билан яқинда туманда истиқомат қилувчи вояга етмаган ногирон болалар учун 376 минг сўмлик реабилитация техник воситалари сотиб олиб берилди. Қалайчорбоғ қишлоғидаги 21 — ўрта мактаб ҳам шу корхона оталиғида. Мактабни таъмирлаш учун бир миллион сўмдан ортиқроқ маблағ сарфланади.

Улуғларнинг бир ҳикматли гапи бор: «Кимдаким бор ҳиммат ила зътиқод, оқибат ул амр топар ул мурод.»

Эл суяр тадбиркорлар муродига етаверсин.

Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ

ЭШИКНИНГ БАҲОСИ ҚАНЧА?

Қинғир иш — келтирар ташвиш

Кундалик ҳаётимизда ҳар куни бир янгилик. Кечаги янгилик бугун эскирмоқда. Зеро, ҳаёт ўзгариб бормоқда. Энг муҳими эса одамлар онги ва тафаккуридаги ўзгаришлар. Юз бераётган янгиланишлар аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, ислоҳотлар самарасида яққол кўзга ташланмоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ишбилармон ва тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида қатор қонун ва қарор қабул қилиндики, буларнинг барчаси иқтисодимиз ривожига хизмат қилади. Аммо, айрим юртдошларимиз тартиб-қоидага зид равишда иш қилиб охир-оқибат қонун олдида жавоб беришларига тўғри келмоқда. Юнусобод туман прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими томонидан аниқланган ҳуқуқбузарликлар ҳам фикримизга далил бўла олади. Жумладан, Дилшод Йўлдошевнинг хатти-ҳаракатини олиб кўрайлик. У фуқаро Р.Дулгерисга тегишли, аммо ҳужжатлари мавжуд бўлмаган 36 дона хорижда ишлаб чиқарилган эшикларнинг ҳар бирини 70.000 сўмдан баҳолаб, икки минг хориж валютасига сотган пайтда ушланди. Шундан сўнгги суриштирув жараёнида шу нарса маълум бўлдики, мазкур эшиклар хусусий тадбиркор А.Тошмуҳаммедовга тегишли экан. Хусусий тадбиркор А.Тошмуҳаммедовга тегишли дўкондаги товарлар кўздан кечирилганда жами 29 турдаги умумий нархи 4.468.900 сўмлик қурилиш материаллари ҳужжатларсиз ҳамда мувофиқлигини тасдиқловчи сертификатларсиз савдога қўйилганлиги маълум бўлди. Энди А.Тошмуҳаммедов савдо қоидаларини жуда кўп миқдорда бузганлиги учун қонун олдида жавоб беради.

Билмайин босдим тиканни, тортадирман жабрини деганларидай Вячеслав Никонов ҳам энди пушаймон қилмоқда. Сабаби, у Белорусда ишлаб чиқарилган «Гефест» русумли газ плиталарини қонунга хилоф равишда муомалага киритган. Яъни, газ плиталарини минг хориж валютаси ва 500.000 сўм нақд пулга ҳеч қандай шартнома ва юк хатисиз сотган. Вячеслав Никоновга нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

«Фрезалит Голд» масъулияти чекланган жамиятга қарашли «Карат» номли дўкон сотувчиси Ҳуснора Қосимовани ҳам оқлаб бўлмайди. Негаки, у савдо қоидаларини жуда кўп марта бузган. Ҳуснора Қосимова харидорга 508.200 сўмлик браслет, 780.000 сўмлик ва 366.000 сўмлик заргарлик буюмларини тартиб-қоидага зид ҳолда минг хориж валютаси ва 400.000 сўмга сотган. Устига устак сотувчи назорат-касса машинасидан фойдаланмай, харидорга чек бермаган.

Юнусобод туманида яшовчи Нажмиддин Ҳакимов «тадбиркор бўлибди, ишонмасангиз ароқ «заводи»ни бориб кўринг», дейишса, очиғи ҳазилга йўйишди. Ҳазилнинг ярми чин деганларидек, Нажмиддин Ҳакимов ўзи яшаётган уйда ароқ тайёрлаб сотаётгани рост бўлиб чиқди. Хусусий тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтмаган ҳамда алкогол маҳсулотлари билан савдо қилиш ва ишлаб чиқариш учун махсус рухсатномага эга бўлмай «завод» очган фуқаронинг ширин орзулари саробга айланди, десак хато бўлмас. Чунки, у «завод»дан чиққан ароқларни харидорга сотган пайтда қўлга тушди.

Умуман жорий йилнинг ўтган ойлари давомида қонун-қоидаларни «четлаб» ўтмоқчи бўлганларга нисбатан 27 та жиноий ва 36 та маъмурий ҳуқуқбузарликка доир ишлар қўзғатилди. Мавриди келганда айтиш керакки, ҳар қайси фуқаро маълум бир фаолият тури билан шуғулланар экан, авваламбор ўз ишига тааллуқли қонун-қоидаларни чуқур ўрганмоқлари ва унга амал қилмоқлари зарур. Шундагина улар ортиқча ташвишга қолмайдилар.

Баҳодир МАСАИДОВ,
Юнусобод туман прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими бошлиғи

Қатлиом қурбонлари

АБДУВОҲИД ҚОРИ ҚИСМАТИ

XX асрнинг 20 — йиллари охирларига келиб Ўрта Осиёдаги барча республикаларда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам қулоқларни синф сифатида тугатиш, бой ва уламоларга қарши синфий душман сифатида қарши курашнинг авж олдирилиши ва миллий зиёлларни миллатчиликда айблаш васвасалари авжга чиқа бошлади. Бу даврда, айниқса, 30 — йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб Ўзбекистонда миллий партия ва давлат арбоблари, зиёлиларгина эмас, диний мусулмон уламоларга ҳам қарши оммавий қамоқ ва қирғин компаниялари кучайиб кетди... Шуларнинг ичида Тошкентнинг машҳур уламоларидан бўлган Абдувоҳид қори Абдурауф Қориев ҳам бор эди.

Абдувоҳид қори Абдурауф Қориев 1858 йилда Тошкентда машҳур диний уламолар оиласида таваллуд топади. Ёшлигидан аввал оилада, сўнг шаҳарнинг эски диний мактабларида таълим олади. Кейинчалик Тошкент ва Бухоронинг олий мадрасаларида таҳсил кўриб, араб ва форс тилларини, ислом тарихи ва таълимотини пухта эгаллайди, шунингдек, Туркистоннинг уйғониш даврларида, айниқса, 1905 — йилги рус инқилоби таъсирида замонавий билимларни, рус тилини ҳам ўргана бошлайди. Шунинг учун ҳам уни 1906 йилда Туркистондан Россия давлат думасига аъзо қилиб сайлашади ва ўша йили Петербургда ўтказилган Бутун Россия мусулмонларининг съездида қатнашади, у ерга келган Волгабўйи, Қрим, Кавказ мусулмонларининг вакиллари билан учрашиб, мулоқотда бўлганди. Тошкентга қайтгач, 1908 йилда Николай ҳукуматининг Туркистондаги сиёсатига қарши чиқди деган айб билан беш йил қамоқ — сургунга ҳукм қилинади. 1912 йилгача Россиянинг Тула шаҳрида сургунда бўлиб, у ердаги халқларнинг урф — одат, турмуш шароитларига разм солади, Шарқдаги ислом дини билан ниҳоятда қизиққан машҳур рус адиби Лев Толстой билан ҳам учрашади, ислом динига кўпдан бери қизиқиб келаётган Лев Николаевич Толстой у билан фикр алмаша бошлайди.

Абдувоҳид қори 1912 йилда сургундан қайтади. Туркистондаги муваққат ҳукумат ва большевиклар ҳокимиятининг дастлабки даврларида (1917 — 1918 йилларда) диний — сиёсий ишларга аралашиб, Туркистонда янги тузилган «Шўройи исломия», «Шўройи уламо» жамиятларига раҳбарлик қилади, Туркистон истиқлоли учун курашда диний уламоларни оқилона иш кўришларига даъват этади. 1917 — йилдаги октябр тўнтаришдан кейин Туркистонда тузилган Туркистон Автоном Совет жумҳуриятида ҳукумат ишларига жалб этилади ва янги ҳукумат ўлкадаги ҳали кучли бўлган диний қатламлар ичида тушунтириш ишлари олиб боришни ўйлаб, уни 1918 — 1920 йилларда республикадаги диний бошқарманинг раиси сифатида фойдаланади. Бугина эмас, уни мусулмон дини эътиқодларининг чуқур билимдони сифатида 1920 йилларда Хоразм ва Бухорода бўлиб ўтган инқилобларда ҳам тарғибот ва ташвиқотларда иштирок эттириб, ҳукуматнинг сиёсий манфаатлари йўлида усталик билан фойдаланишади. Кейинчалик уни диний суд қоидаларини яхши билгани учун 1921 — 1922 йилларда ҳатто Туркистон Республикаси Олий суди коллегия аъзоси сифатида ҳам ишлатишади. Шундан кейин, 1927 йилгача шаҳардаги «Маҳкамайи шария» идорасида ва турли мажжидларда имом — хатиб вазифаларида ишлайди. 1933 — йилда у яна қандайдир сиёсий шубҳа остида Қозоғистонда қамоққа олиниб, беш ярим ой у ердаги тергов қийноқлари, қамоқ азоблардан қутулиб, она шаҳри Тошкентга қайтади. Бу вақтда келиб энди у етмиш ёшларга етиб, кучқувватдан қолиб, ҳориб — чарчаган эди. Шунинг учун, энди у давлат диний идораларига қўл силтаб, Ширинқудуқ маҳалласидаги бир масжидда имом — хатиб бўлиб ишлаб юрди. 1936 йил 13 августда Тошкентдаги мажжидлардан бирида имом — хатиб бўлиб ишлаб юрган Аҳмадяров Ҳасан (расмий ҳужжатларда Пономарев деб ёзилган)ни ҳибсга олиниши муносабати билан Абдувоҳид қори гувоҳликка чақирилиб, у ҳақидаги саволларга жавоб беришини сўрай бошлашди.

«Савол: Аҳмадяров Ҳасаннинг Миср шаҳрида (Египетда) Ризо Қози Фахриддинов билан алоқалари ҳақида сизга нималар маълум?

Жавоб: Аҳмадяров Ҳасаннинг Қози Рашид билан бўлган алоқалари ҳақида мен бошқаларнинг гапидангина биламан. Тахминан 1936 йил 5 ёки 6 — июнларда собиқ йирик диний арбоб Шамсиддинов Ҳуснитдин бизнинг Қоратош номли маҳалласи Сталин районида яшар, мен билан кўчадаги бир суҳбатда Аҳмадяров Ҳасан унга Миср да «Ал — минор» номли диний журнал чиқа бошлагани ҳақидаги хабарни берган. Унга Қози Рашид Ризо муҳаррирлигини айттан, унда қизиқарли диний масалалар баҳс қилинганлигини ҳам сўзлаган. Ушбу журнални Шамсиддиновга ҳам ўқишни тавсия қилган ва унга келтириб беришни айттан. Аҳмадяров Ҳасаннинг Ризо Қози Фахриддинов билан бўлган бошқа алоқаларини билмайман.» (По обвинению Аҳмедяров (он же Пономарев Ҳасан.) Архив №6634, том I, с.13).

Афсуски, шунга қарамасдан орадан бир мунча вақт ўтгандан сўнг уни шу сўнгги фақирона ва ғарибона хизмати ҳам кимлар — гадир ёқмай қолади ва у 1937 йил август бошларида қарийб 80 ларга яқинлашиб, мункайиб қолган бўлишига қарамай тўсатдан яна қамоққа олиниб, уйида тинтув ўтказилади. 1937 йил 9 августда ўша йиллари Ўзбекистон ички ишлар халқ комиссари бўлиб ишлаган Леоновнинг имзоси билан уни ҳибсга олиш ҳақидаги қарор чиқарилади. Мазкур қарорда бу ҳақида шундай ёзилади: «1937 йил 6 август куни Тошкент шаҳрида, ЎзССР ички ишлар халқ комиссари давлат хавфсизлиги 4 — бўлимининг оператив вакили давлат хавфсизлиги хизмати лейтенанти Мусин Мулла Абдувоҳид қори Абдурауф Қориевга оид материаллар билан танишганида аниқландики, Абдурауф Қориев мулло Абдувоҳид қори Тошкентда туғилган ва шу ерда яшайди. Ижтимоий келиб чиқиши жиҳатидан Тошкентнинг машҳур руҳонийси, у шаҳардаги «Ширинқудуқ» маҳалласидаги мачитнинг мулла — хатиб имомидир. «Шўройи ислом» ва «Маҳкамайи шария» каби инқилобга қарши бўлган ташкилотнинг фаол аъзоси бўлганликда айбланади...

1927 йилда Абдувоҳид қори Абдурауф Қориев Ҳиндистонда Англия ҳукумати ташаббуси билан ўтказилган бутун дунё мусулмонлар конгрессида Туркистон мусулмонлари номидан вакил сифатида қатнашган. Конгрессдан қайттач, атрофига инқилобга қарши бўлган реакцион руҳонийларни тўплаган ва турли диний йўллар билан ҳукуматнинг колхозлаштириш сиёсатига қарши тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб бора бошлаган» (Архив, П — 24082, дело в 6 томах, том 4, стр.3) Шу қарордан сўнг эртасигаёқ (1937 йил 10 августда) Ўзбекистон ички ишлар халқ комиссарлиги, давлат хавфсизлик хизмати ходими Ялишев унинг уйида тинтув ўтказади, ўзини Тошкент қамоқхонасига олиб кетади. Орадан 3 кун ўтгач (1937 йил 13 августда), Тошкент қамоқхонасида унинг қамоқ анкетаси тўлдирилиб, тержимаи ҳоли ва ижтимоий аҳволи, оила аъзолари ҳақида маълумотлар тўлдирилади ва тергов ишлари бошлаб юборилади. 1937 йил 2 сентябрда ўтказилган дастлабки терговда Ўзбекистон ички ишлар халқ комиссари, давлат хавфсизлик хизмати 4 — бўлимининг оператив вакили кичик лейтенант Мусиннинг унга қўйилаётган туҳматкорона айбларнинг асоссизлигини рад этувчи жавоблар бера бошлайди. Бу савол — жавоблар ўша кунги тергов ҳужжатлари баённомасида шундай қайд қилинган:

«Савол: — Сиз Тошкентда, яъни Ўзбекистонда инқилобга қарши руҳда бўлган қандай мусулмонлар ташкилотини биласиз?

Жавоб: — Мен, қатъий равишда шуни айтаманки, сўнгги йилларда Тошкентда мусулмонлар ичида инқилобга қарши бўлган бирорта ҳам ҳаракат бўлмаган ва бу ерда инқилобга қарши йўлда иш олиб борувчи бирорта ҳам мусулмон руҳонийсини ҳам билмайман.

Савол: — Сиз сўнгги жавобларингиз билан дарҳол инқилобга қарши бўлган руҳонийларни ҳимоя қилиш томонига ўтиб олдингиз.

Жавоб: — Мен яна қайтариб айтаманки, инқилобга қарши бўлган ҳеч қандай панисломистик руҳонийлар ташкилотини билмайман ва Тошкентда советларга қарши бўлган бирорта руҳонийлар ташкилоти ҳам йўқдир ва бўлиши ҳам мумкин эмас, деб ҳисоблайман» (Мазкур архив: 8 бет).

Абдувоҳид қорининг бу мардонавор жавобларидан сўнг уни яна оғир шароитларга солиб, азоб бера бошлашади ва унинг айбсиз айбларини бўйнига қўйиш учун таҳқирлаб боришади, охири ҳолдан тойган кекса, касалманд мулла Абдувоҳид қори тергов қийноқлари остида гўё айбдордай жавоб қилишга маҳкум бўлади ва бу унинг Тошкент қамоқхонасида тўрт ойдан кўпроқ вақт ётиб, 1937 йил 18 декабрдаги терговда берган жавобида айниқса очиқ кўринади.

«Савол: — Терговда сизнинг советларга қарши бўлган «Шўройи исломия» ва «Уламо» жамиятларидаги ролингиз етарлича маълум.

Сизнинг сўнгги даврларда мусулмон руҳонийлари ичида советларга қарши бўлган бузғунчилик ишлари олиб борганликда айбланасиз. Инқилобга қарши бўлган ушбу ташкилотдаги иштирокингиз ҳақида кўргазма беринг.

Жавоб: — Феврал инқилобидан сўнг Тошкентда миллатчилик руҳида бўлган «Шўройи исломия» ташкилоти тузилди. Мен унга аъзо бўлиб кирдим ва мазкур ташкилот раиси этиб сайландим.

«Шўройи исломия»нинг мақсади Туркистонда ҳокимиятни қўлга олиш ва панисломистик руҳдаги ягона мусулмон давлатини тузиш эди. «Шўройи исломия» ташкилотини тузиш ташаббускори инқилобга қарши бўлган миллий ҳаракат идеологи, собиқ адвокат Асадуллахўжа Убайдуллахўжаев ва «Усули жадид» мактабларининг собиқ муаллими ва директори Мунаввар қори Абдурашидхонов эдилар.» (мазкур архив, 12 — 13 — бетлар).

Терговда оғир жисмоний ва руҳий тазйиқ ва қийноқлар остида унинг йўқ айбларини бўйнига олишга мажбур қиладилар. Бунинг устига 1930 йилда қамалган унинг ўғли, шоир Боис Қориев («Олтой») ва 1937 йилда қамалган Ўзбекистон санъат ишлари бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Босит Қориев ва бошқаларнинг ғам — ташвишлари кекса отанинг қамоқдаги аҳволини янада оғирлаштиради ва бунинг оқибатида у 1938 йилнинг бошларида Тошкент қамоқхонасида вафот этади. Унинг ўлими ҳақидаги экспертиза актида шундай қайд қилинган: «Акт экспертизы 3 февраля 1938 года ниже полписавшийся дежурный Таштюрмы Иванов, врач Хохлова и дежурный медбрат Хвостко составили настоящий акт в том, что поступавший в стационаре в 12 января 1938 года зғк Абдурауф Кариев мулла Абдувохид л—ч 1—78 умер 15 часов 30 минут старческой дряхлости декаминциро миокардид.

Дежурный по тюрмы Иванов, врач Хохлов, д.мғб Хвостенко. Копия акта верно». (Мазкур архив, 11 бет).

Абдувоҳид Қориев терговчилардан ўлиб ҳам қутулмади. Унинг вафотидан кейин ҳам советларга қарши бўлган контрреволюцион милатчилик ташкилотига аъзо бўлганлигини исботлаш учун қўшимча гувоҳларни чақириб, тергов қилиш давом этади. Шулардан бири 1938 йил 31 мартда Абдувоҳид Қориевнинг қамоқдаги вафотидан кейин икки ойча вақт ўттандан сўнг 1878 йилда таваллуд топган 60 ёшли «Дархон» маҳалла мачити имоми Алиев мулло Бердини терговчилар чақириб, Абдувоҳид Қорининг айблари ҳақида кўргазма беришни талаб қила бошлайдилар. Мулло Берди Алиев Абдувоҳид қорининг терговчиларнинг саволларига шундай рад жавобини беради:

«Савол: — Сизга Абдурауф Қориев Абдувоҳиднинг советларга қарши бўлган фаолиятлари ҳақида нималар маълум?

Жавоб: — Мен Абдурауф Қориев Абдувоҳиднинг Советларга қарши бўлган ҳеч қандай фаолиятини билмайман.

Савол: — Сиз ҳақиқатни бекитяпсиз. Терговда шу нарса маълумки, Абдурауф Қориев Абдувоҳид советларга қарши бўлган мусулмон айғоқчиларининг фаол раҳбарларидан бири бўлган.

Жавоб: — Мен яна қайтараман, менга Абдурауф Қориев Абдувоҳиднинг инқилобга қарши бўлган ҳеч қандай фаолияти маълум эмас.» (Архив, П.24082. дело в 6 томах, том I, стр.255).

Шу даврда Абдурауф Қориев Абдувоҳид билан бирга ишлаган, ҳаммаслак бўлган ёки ўша даврда у билан алоқада бўлган бошқа кўплаб уламолар ҳам советларга қарши аллақандай миллатчилик ташкилотининг аъзолари деган туҳмат айб билан қамалиб, сургун қилинади. Бу ҳақда Ўзбекистондаги НКВД раҳбарлари Москвадаги бошлиқларига ёзган «мутлақо махфий» хатларида ҳам алоҳида кўрсатиб ўтадилар ва бу борада ҳушёрликни кучайтириб, янги — янги тадбирлар кўрилаётгани ҳақида хабар берадилар: «Ўзбекистон ички ишлар халқ комиссарлиги ўтмишда революцияга қарши бўлган «Шўройи исломия» ва «Шўройи уламо» ташкилотининг фаол аъзолари бўлиб, кейинчалик советларга қарши ишлар олиб борган бир гуруҳ энг нуфузли мусулмон руҳонийларидан ташкил топган советларга қарши миллатчилик ташкилоти йўқ қилинди.

Мазкур иш бўйича қамоққа олинган мусулмон руҳонийларидан энг кўзга кўринганларидан 12 киши бўлиб, булар Абдурауф Қориев Абдувоҳид қори, Шамсиддинхонов Ҳуснитдинхон, Мўминхўжаев Аҳмадхўжа эшон, Алиев мулло Бердиёр, Муҳитдинхўжаев Акбархон, Тошбоев Обид қори, Мулла Исмат, Камолхўжаев мулла Абдуқодир, Зокирхонов Ғуломхон, Шамсихонов Шоислом, Тошмуҳаммедов Солиҳ қори, Саидхўжаев Н. Қориев, Муҳитдинов ва бошқаларнинг тергов ҳужжатларини ҳам илова қиламан. Ўзбекистон ички ишлар халқ комиссари, давлат хавфсизлиги хизмати майори Апресян. Протокол допроса обвиняемых участников ликвидированной шпионско — повстанческой организации «мусулманское духовенство» (Архив. П — 24082, Дело в 6 томах, том 5, стр.5 — 6).

1953 йил Сталин вафотидан сўнг бир неча йил ўтгач, 1957 йил 30 мартда Ўзбекистон ССР Прокуратураси — нинг тергов ишлари бўйича назорат бўлими Абдурауф Қориев Абдувоҳидқори ва унинг билан бир даврада сиёсий қатлиомга учраган бегуноҳ дин арбобларининг ишларини қайта кўриб чиқади. Ва уларнинг барчасини ўтмишда бегуноҳ бўлганлиги учун тамомила оқлаш ҳақида ажрим чиқаради. Бу ҳақда мазкур архив ҳужжатларида шундай ёзилади: «Учитывая дело в отношении Абдурауф Кариев Камолходжаева, Шамсудинхожаева, Махмуджанова, Байзакова, Ташкенбаева и Нурмухамедова Шермат ахуна, прекратит производством за отсутствии в их действиях преступления, отменив постановления НКВД УзССР по данному делу от 18—VIII — 1938 года и 9 — II — 1939 года который дело в их отношений бўли прекращены за смертью.

Прокурор по отделу надзору за следствие в органах госбезопасности прокуратуры Узбекской ССР. Младший следователь юстиции Давлетов К.».

(Мазкур архив, 4 — том, 135 — 136 — бетлар).

Охири ҳақиқат қарор топди. Абдурауф Қориев Абдувоҳид қори ва унинг маслакдошлари бўлган бир қанча республикамизнинг таниқли зиёли дин арбобларининг 30 — йилларда совет тоталитар тузуми туфайли бегуноҳ қатли омга учрагани расман ажрим қилинди. Шу билан бирга Абдурауф Қориев Абдувоҳид қорининг икки ўғли шоир Олтой (Боис Қориев) ва санъатимиз арбобларидан бири бўлган Босит Қориев ҳам оқланди. Лекин уларнинг қамоқ ва сургундаги азоб — уқубатлари, қисматлари доғи кейинги авлодлари тақдирига оғир таъсирлари — чи? Абурауф Қориев Тошкент қамоқхоналарида тергов қийноқларида ўлди. Шоир Олтой 1930 йилларда қамалиб, қарийб 25 йилдан сўнг оғир хасталик билан қайтиб, бир неча йил тил ва адабиёт институтида ишлаб, вафот этди. Босит Қориев 1937 йилда қамалиб, 1938 йил 5 октябрда Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат ва бошқалар билан Тошкентда отиб ташланди. Абдурауф Қориевнинг келини Ўзбекистон халқининг севимли артисти Маъсума Қориева эрининг ҳижрон доғи ва икки ўғлининг Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганини эшитиб, оғир хасталикка учраб, вафот этди. Абдурауф Қориев Абдувоҳид қорининг фожиали қисмати, фарзандлари Босит Қориев ва Боис Қориевларни республикамиз санъати ва маданият тарихидаги ўзига хос бўлган ўрни ва хизматлари тадқиқотчи, изқувар олимларимиз томонидан энди — энди ўрганилмоқда. Қориевларнинг аламли қисмати ҳақида Зикир Муҳаммаджонов, Сирожиддин Аҳмедовнинг жонкуярлик билан ёзилган мақолалари ўқувчиларимизнинг эсида. Бу каби тузум зулмига учраган инсонлар ҳақида ёзиш, уларни хотирлаш доимо зиммамиздаги қарзимиздир.

Шерали ТУРДИЕВ

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗ МАТБУОТЧИ, НОШИР, ЖУРНАЛИСТ ҲАМКАСБЛАР!

Халқ сўзи

ПРАВДА ВОСТОКА

QISHLOQ HAYOTI

ISHONCH

Ma'rifat



O'ZBEKISTON OVOZI

FIDOKOR

Milliy tiklanish

XXI ASR

Адолат

Ўзбекистон Республикаси «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси юртимиздаги барча матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларини 27 июн – Матбуот ва Оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан муборакбод этади. Инсонларга ахборот, зиё, маърифат тарқатишдек масъулиятли ва шарафли вазифаларини адо этишда куч–қувват ва халқнинг меҳри ёр бўлишини тилаб қолади.

Ўзбекистон Республикаси «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси

ЎСАРҚУЛНИНГ СИРИ

Яширин агентнинг ҳаёти

1917 йил 20 сентябрда Туркистон ва Қозоғистон мусулмонлари қурултойи ўлкада маҳаллий ва миллий мухторият ташкил этишни кун тартибига қўйибди. Туркистон мухторияти қурултой қарорига кўра «Туркистон федератив демократик жумҳурияти» деб аталиши лозим.

— Бахтли замонда яшайсизлар, — деди Сафарбек кўзларига қалққан ёшни яширмай.

У ахир ана шундай мақсад учун бутун умр курашгани уларга аён. Сафарбек қишлоқ йигитларига Тошкентда кўрган — билганларини мароқ ила ҳикоя қилди. Тошкентда бир бутун ҳокимият йўқ. Вақтли ҳукумат бош комиссари, Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондони Коровиченко аслида чинакам ҳукмдор эмас. Чинакам ҳокимият ишчи, солдат деҳқон депутатлари Совети қўлида — дир. Бу икки ҳокимият ўртасида мусулмон ташкилотлари «Турон», «Шўрои ислом», «Уламо» ва бошқалар турибди. Оқ подшо ҳокимияти ўрнига келган қўш ҳокимиятчилик узоққа бормаслиги аниқ. Булар орасида пинҳона кураш кетмоқда. Хўш, мусулмонлар кимнинг тарафида бўлиши керак? Қурултой бетарафлик йўлини тавсия қилди. Бирон — бир сиёсий фирқа тарафига ўтилмасин. Мусулмонлар бир бутун бўлиб, ягона фирқага — «Иттифоқи муслимин»га бирлашсин. Бу мусулмонлар иттифоқига «Турон», «Шўрои ислом», «Уламо» кириши лозим. Қурултой қарори шундай. Аммо унга амал қилиш мушкул. Чунки, ҳозирги кунда ҳар бир сиёсий фирқа ўз тарфига мусулмонларни тортиш учун ҳаракат қилмоқда. Рус социал — демократлари фирқасида икки оқим бор. Бири большевиклар, иккинчиси меньшевиклар. Яна бир катта фирқа социалист — революционерлар, қисқачасига «эсэр»лар. Ана шу фирқалар сафида кўпгина мусулмон зиёлилари, ишчилари ва ҳунармандлари бор.

— Бу фирқалар орасида, — тушунтирди Сафарбек, — энг кучлиси большевиклар, яъни кўпчилик тарафдорларидир. Улар урушни тўхтатиш, камбағалларга ер — сув, ишчиларга завод — корхоналарни беришни тарғиб қилишмоқда.

— Агар гаплари рост бўлса, айни бизбоп фирқа экан, — деди Ўсарқул.

— Тўғри, большевиклар биз мусулмонларга тенглик, миллий мустақиллик ҳам ваъда қилишмоқда.

Сафарбек ўйга чўмди.

— Барибир, кимнингдир этагини тутишга тўғри келади, — деди кимдир. Бу овоз мардикордан қайтган Шерали тегишли эди.

— Харьковда большевиклар бизга кўп яхшилик қилишди. Уйга қайтишимизда ҳам улар ёрдам беришди.

— Большевиклар орасида дўстларим кўп, — деди Сафарбек Шералига синчков тикилиб, — улардан энг яқини ҳамшаҳрим Собиржон Юсуф ўғли. У ўлка Советининг аъзоси, Тошкент Советининг депутати.

— Собиржон Юсуповни яхши танийман, — деди Шерали, — у Тошкент гарнизонида мусулмонлардан иборат миллий қўшин тузмоқда.

— Ғоят зарур ишни бошлаган у, — қувватлади Сафарбек, — Туркистон мухториятини тузиш учун бизнинг ўз аскарларимиз, яъни миллий қўшинимиз даркор. Энди гапимга қулоқ осинглар.

Сафарбек йигитларга келгуси режаларини баён қила бошлади.

ххх

НКВД терговчиси гувоҳларнинг ҳикояларини қоғозга тушириб бўлгач, Ўсарқулга юзлан-

ди.

— Хўш, энди иқрор бўласанми?

Ўсарқул хаёлларини йиғиштириб, сергак тортди.

— Охунжон кўрбоши полкида қандай хуфя ишларни қилгансан? Яхшиликча ҳаммасини айт! Бўлмаса!.. Шундай йигитларимиз борки, улар ўликларни ҳам тилга киргизишади.

— Қуролсиз, ҳимоясиз одамларни қийнаш мақтанадиган иш эмас, ҳе... Мен жангда кўрқоқ, қийнашга келганда эса устаси фаранг «ботирлар»ни кўп кўрганман. Худди шунақалар ўн саккизинчи йилда бегуноҳ Қўқон мусулмонларини қирғин қилиб, Шўро ҳокимиятини қора отлиқ қилган. Худди сизга ўхшаганлар инқилобнинг қизил байроғига қора чизиқлар тортгансизлар...

Ўсарқул қандай қилиб беихтиёр устози сўзларини такрорлаётганини сезмай қолади. Ғазабдан ўрнидан туриб кетган терговчи гувоҳларга юзланди.

— Эшитдинглар — а, нима деганини? Бу халқ душманининг сўзлари. Протоколга тушираман.

Ўсарқул пинагини бузмади.

— Ёзаверинг. Ёзаверинг.

— Қандай мода билан судланишингни биласанми, галварс! Нақ вишка оласан, вишка!

Терговчи қандайдир тантана ила қоғозни тўлдира бошлади.

— Ёзаверинг! Бир бошга бир ўлим!

Маҳбусдан бундай дадиллиқни кутмаган терговчи ва гувоҳлар ажабланиб Ўсарқулнинг оғзига қараб қолишди.

1917 йилнинг ноябр ойида Миробод қишлоғи йигитлари орасида табақаланиш кучайди. Мардикордан қайттан ёшлар Шерали атрофида уюшишди.

— Шўролар ҳокимияти — инқилоб фарзанди, — деди Шерали, — у оч халққа нон бермоқда. Камбағалга ер — сув бермоқчи.

— Шўролар лаънати урушни тўхтатишга ваъда беришди, — уни қувватларди маслақдошлари, — биз Шўролар тарафдоримиз.

Ўсарқул устозидан эса бўлакча гапларни эшитди.

— Шўро ҳокимияти, биз, жадидларни алдади. Большевиклар, эсэрлар Турксистон жумҳурияти ҳукуматига биронта ҳам ўзбекни киритишмади. Ҳолбуки, ўзбек ишчилари ва зиёлилари Тошкентдаги қуролли қўзғолонда рус ишчилари ва аскарлари билан бир сафда туриб, Коровиченкога қарши жанг қилишган эди. Биз Оқ пошшо истибдодини ағдарган ҳуррият мухлисларимиз. Эътибор берганмисиз, ўғлим, мусулмон ташкилотлари номлари ҳам «Шўрои ислом», «Шўрои уламо». Ташкилотимиз фаолларидан Ислом Шоаҳмад ўғли Петроградан бизларга мусулмонлар ўз мустақил давлатини тузишлари мумкин, деган хушхабарни келтирган эди. Ўтган ҳафтада Тошкентга бориб қайтганим ёдингиздами? Ўшанда биз мусулмонлар ташкилотларининг маслаҳат йиғинига тўпландик. Фавқулодда қурултойга тараддуд кўрдик. Биласизми, қандай қарорга келдик?

Сафарбек арабча жимжимадор ёзилган қоғозни қўлига олди.

— Ҳокимиятнинг аскар, ишчи ва деҳқон депутатлари Совети қўлига ўтиши муносабати билан Туркистон ўлка мусулмонлари қурултойи Бутун Туркистоннинг 98 фоизини ташкил этувчи 10 миллион жон мусулмонлар Русия инқилоби ваъда эттан озодлик, тенглик ва биродарлик асосида миллий — маданий ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга деб топади. «Шўрои уламо» раҳбари Шерали Лапин жаноблари эса шундай фатво бердилар:

Мусулмонларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш йўллари ва уларнинг умумбашарий тараққиётга эришуви Қуръон ва шариатда кўрсатилгандан бошқача бўлиши мумкин эмас ё шундай экан, мусулмонлар ҳуррият туфайли эришган ҳуқуқларни рўёбга чиқариш йўлида Русияда мавжуд сиёсий партияларнинг биронтасига қўшила олмайди ва уларнинг сиёсий курашида қатнаша олмайди.

Ўсарқул устозининг сўзларини тинглар ва ўзича мушоҳада қиларди. Ҳамма инқилоб дейди, хўш, бу инқилоб барча учун баробарми?

— Биз йўқсиллар, камбағаллар ҳукумати тарафдоримиз, — дейди Шерали ва унинг ўртоқлари. — Қўқонда тузилган ҳукумат эса бойларники.

Ўсарқул у билан кўпинча баҳслашиб кетарди.

— Бой бойга боқар, сув сойга оқар, — дерди Шерали, — сен, Ўсарқул, асли бизники, пролетарсан.

Сафарбек эса воқеаларнинг буткул ўзгача манзарасини чизар эди. Қўқондаги ҳокимият ҳақида шундай маълумот олди.

— Туркистон мусулмонларининг Тошкентда сайланган халқ комиссарлари советига биронта ҳам вакили кирмагач, Қўқонда ўзларининг ўлка қурултойларини чақиришди.

Сафарбек ўзи иштирок этган Туркистон ўлка мусулмонлари фавқулодда 4 — қурултойи ҳақида ҳикоя қилди.

— Туркистон мухторияти ҳукумати адолат асосида иш юритиб, 54 ўриндан 18 тасини оврупали миллатлар вакиларига ажратди. Ким нима даса десину, аммо ҳукумат таркибида бутун ўлка халқлари ўзбек, қозоқ, тожик, туркман, яҳудий, руслар ўз вакилларига эгадирлар. Қозоқ Муҳаммаджон Танишбоев раис, татар Мустафо Чўқоев, яҳудий Герцфельд, ўзбек Камол қози ҳукумат аъзоси — нозирлардир. Сен танийдиган Убайдулла Асадулахўжаев ҳам нозирликка сайланган.

— Уларнинг бари савдогар, заводчи корчалон бойлар — ку, устоз?

— Тўғри, кўпчилиги тижорат аҳлидан. Зиёлилар ҳам анчагина. Ахир танангга ўйлаб кўр. Саводи паст, паст — баландни билмайдиган камбағал деҳқону косиб ё ишчи қай йўсинда давлатни идора эта олади?

Сафарбек «Улуғ Туркистон» рўзномасини қўлга олиб сўзида давом этди.

— Мана, эшит, нима ёзилган бунда. «Қурултой Туркистонда яшовчи миллатларнинг идорасини ифодалаб улуғ Русия инқилоби ваъда эттан ўз тақдирини ўзи ҳал этиш нечизида федератив демократик Русия жумҳурияти асоси, Туркистон территория жиҳатидан мухторият шаклида белгилашни топширди». Туркистон мухторияти ҳукуматининг «Туркистоннинг барча фуқаролари — мусулмон, рус, яҳудий, ишчи, аскар, деҳқонларига мурожаатномаси» — ни ўқи — чи. Унда нима ёзилган?

Ўсарқул рўзномада йирик ҳарфларда терилган сатрларни ўқий бошлади.

(Давоми бор)

Давоми. Боши ўтган сонларда.

ДАРДНИНГ МОДЕРН ШАКЛИ

Шеърий асар таҳлили

«Модерн ҳодисаси дунёнинг деярлик ҳамма халқлари адабиётига хос. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Оврўпода мазкур оқим оммалашди. Шунингдек, турк, ҳинд, япон, корейс, форс назмида ҳам модернизм етакчилик қилади.

Назм шинавандаларининг аксарияти «модернизм» истилоҳини тўла шарҳлаб берилишини исташади: баъзи мунаққидлар эса мазкур атаманинг ўзбекча шакли ўйлаб топилса яхши бўларди, алфозида фикр билдирадилар. Бу икки талаб қондирилишига имкон йўқ. Боиси шундаки, модернизм алоҳида олинган мутлақо ўзгача оқим эмас — шунчаки тажриба қилиб кўриш мақсадида бадиий Сўзни сал бошқачароқ ишлатиш услубларининг мажмуи, холос», дейилади «Ўзбек модерн шеърияти» («Ўзбек модерн шеърияти» Т. Янги аср авлоди, 2003 й.) баёзининг сўзбошисида. Бу китобга шеърлари киритилган шоирларнинг деярли ҳаммаси асосан ана шундай бирмунча эркин, одатдагидан сал бошқачароқ услубда ижод қилишади.

Аслида, «модернизм» французча атама бўлиб, луғавий маъноси «замонавий» демакдир. Одатда бирор йўналиш узоқ вақт ишлатилиб турилгач, унинг ўрнини янгироғи эгаллайди. Худди бошқа соҳаларда бўлгани каби адабиётда ҳам ана шу ҳодисани кузатишимиз мумкин. Масалан, аруз вазни равнақ топган замонлар ортда қолиб, бу вазн анча эскирди, ижодкорлар бармоқ вазнидан кенг фойдалана бошлащди. Модернизмни ҳам унинг тарафдорлари ана шундай ҳодиса деб баҳолашмоқда. Бугунги кунда модернизм ҳодисасини санъатнинг барча турларида учратиш мумкин. Санъатнинг, фаннинг, ижтимоий ҳаётнинг барча турлари негизида ҳам модернизм намуналарини кўришимиз мумкин. Айни пайтда тасвирий санъатимиз, қўшиқчилик, ҳайкалтарошлиқ ҳам модернлашмоқдаки, бу ҳолатга ихлосмандлар ҳам маълум маънода кўникиб қолишди.

Бир хил фикрлаш, уммон, бир хилликлар одамни зериктирганидек, янгиликларга ҳам эҳтиёж катта. Одамнинг феъли ўзи шунақа — янгиликка ўч! Шеъриятда ҳам, насрда ҳам янги услубларнинг пайдо бўлаётганига инсон зотининг қонида бор ана шу хусусият сабаб бўлаётган бўлса, не ажаб! XX асрнинг 20 — 30 — йилларида турк тимсолчилари таъсирида Фитрат, Чўлпон, Абдулла Алавий, Ойбек сингари ижодкорлар шаклий жиҳатдан ўзгариш ясашга эришишди. Модернизмга қора бўёқ ҳам чапланди. Ўтган асрнинг етмишинчи йилларига келиб, бу усулда шеър битаётганларнинг сафи анча кенгайди. Алал оқибат, тўқсонинчи йиллар бошида ўзбек адабиётшунослигида модернизм қисман тан олинди. Ҳатто «Ёшлик» журналида «модернбурчак» рукни пайдо бўлди.

Китобни тузувчилар ёзган сўзбошида яна шундай сатрлар бор: «Собиқ иттифоқдош республикалар адабиёти жабҳасида Ўзбекистон модернчилари алоҳида ажралиб турадилар. Марказий Осиё минтақасида ҳали бу йўналиш у қадар оммалашмаган. Минтақага модернизм ўзбек шеърияти орқали кириб келаётгани қувонарли ҳол. Ҳатто ҳозирги замон рус шеъриятида ҳам бу каби янгиланишни кўрмайсиз... Баёзга йигирма тўрт шоир ижодидан намуналар киритилди. Шеърлардан эстетик завқ олиш ёки хушламаслик ҳар кимнинг ақлий — шуурий салоҳиятига, дидига боғлиқ. Лекин барибир муносабатлар хилма — хил — лигидан қатъий назар, ўзига яраша заминга эга модернизм назм майдонида яшашга ҳақли, демоқчимиз. Чунончи, ўзбек модернизми илдизлари F арбгагина эмас, энг қадимий тош битикларга, Ўрхун — Енисей ёзма ёдгорликларига бориб тақалади». Бу гаплар кимгадир катта даъволарга ўхшаб туюлиши мумкин. Биз модернизмни рад этиш ёки унинг тарафдолари томонга ўтиб олиб, байроқдорлик қилиш ниятида эмасмиз. Мақсадимиз — шеърий асар қайси шаклда бўлмасин, у самимий тилда ёзилсагина, дилга яқин бўлишини айтиш, ўзимиз тушунгандек ўзбек модернистларининг ёзганларини таҳлил қилиб кўриш, холос.

Шундай экан, асосий мақсадга кўчиб, таҳлилга кириша қолайлик.

ГЎЗАЛЛИККА ЧИЗГИЛАР

1. (Тўлин ойга қасида)

Йиғлама қиз, йиғлама,
Тўй саники, ёр — ёр.
Остона, устуни йўқ
Уй саники, ёр — ёр.

2. (Қор ёғаяпти)

Осмонни тарк этаётир фаришталар.

3. (Бахт)

Денгиз... Денгиз... Денгиз...
Балиқлар... Балиқлар...
Балиқлар...

4. (Тун)

Кўнглингдаги аёлнинг
оҳи...

(Фарҳод Арзиев)

Бу шеър на аруз, на бармоқ вазни талабларига жавоб беради. Лекин, негадир уни ўқиб, ўйга ботасиз. Хаёл олами сизга қандайдир поклиза ҳисларни ҳадя этади. Гўзалликка чизгилар чинакам гўзаллик ҳақида қисқа ва лўнда, чиройли ҳикоя қилади. Энг қизиғи, уни ҳар ким ҳар хил ҳис қила олиш имконига эга. Сабаби, шоир сирли, яширин ифодалар билан бир қарашда содда кўринган услуби орқали кўп гапларни айта олиш имконига эга. Бир лаҳзанинг ўзида битта ўқ билан иккита қуённи урадиган бу услубни «топишмоқ» услуби, десак, тўғрироқ таъриф берган бўламиз. Бу услуб баъзида ғашингизга тегади. Шартмикин, шундай ёзиш... деб қўясиз. Лекин негадир шундай ёзиш шартдек бўлиб туюлаверади. Ахир сиз тан олмасангиз — да, бир хиликдан бирмунча зериккансиз. Хуллас, тўпламда бундай шеърлар, бундан ҳам мураккаброқ «топишмоқ» — лар кўп. Фахриёрнинг «Аёлғу»си ёки Баҳром Рўзимуҳаммаднинг «Кундуз сарҳаддлари»ни ўқиган одамга бу услуб анча яхши таниш. «Ўзбек модерн шеърияти»га шеърлари киритилган шоирлар ичида энг мураккаб «топишмоқ» услубидан фойдаланган ижодкор ҳам Фахриёрдир. Унинг «Геометрик баҳор»ини ўқисангиз, манзаралар шакллар орқали чизиб берилади. Шоирнинг ўзи ёзганидек: «Дунёдаги энг гўзал шакл — (гулнинг чиройи)» Тавба, дейсиз, шоир одамнинг кўнгли бунча ғалати, сезгир, ҳар нарсаларни ўйлайдиган бўлмаса! Шеърнинг бошдан оёғигача расмлар билан берилган изоҳга тўлиб кетганлиги ғалати кайфият беради. Ҳамма синчков ўқувчи ҳам бундай «топишмоқ»ларни ўйлаб — ўйлаб тушунишга ҳаракат қилади. Бир нарса, шеър дейиш шартмикин шу услубни. Умуман, «қурбақанинг тўртбурчак қурилланиши», «Офтобнинг чанг, тўғри чизиқ томирларидан тўралган (тулкичалар) каттарган сари — шаклини йўқотиб боради тобора» деганга ўхшаш суратли ифодалар шеърга ўхшамайди. Бироқ... шеър! Майли, Қавариқ осмонни, юракнинг эҳром сингари силлиқ бўлишини, юракнинг ҳаяжон теккан жойлари соядай қоп — қора кўмирга айланишини, гул ёмғирларини чиройли топилмалар қаторида қабул қилиш, тушуниш мумкиндир. Барибир, оддий, одатдагидек шеърларга кўникиб кетган китобхон учун бундай шаклбозлик меъёрий ҳолат бўлиб туюлмайди. Шунинг учун бўлса керакки, модернистларни энг замонавий китобхонларнинг кўпчилиги ҳам ҳазм қила олмаяпти. Шеърни ўқиш, эшитиш, ҳис қилиш мумкин. Томоша қилиш... бу янгилик! Балки, модерн сўзининг моҳияти ҳам шундадир.

Модернизмнинг талаблари қандай ўзи?! Энг ғалатиси ҳам шу, улар ҳеч қандай қоидаларга бўйсунмайди. Аммо модернизмни мутлақо эркинлик майдони деб тушиниш яхшимикан? Бу хулосани ким қандай тушунса тушунаверсин. Ахир, биз хорижда модернизмда 12 та оқим бор, деб эшитганмиз — ку! Яна бир нарса, мана шундай шеърларни ёзаётганида шоирнинг ўзи қандай шеърий кайфиятда бўлар экан?.. Майли, қандай шеър ёзиш ҳар кимнинг ўз иши бўла қолсин, барибир, бизга юқоридаги икки саволнинг жавобини топиш ана шу «топишмоқ» шеърларни ўқишдан қизиқроқ туюлса, нима қилайлик?! Ҳамма нарсада ҳам меъёр бўлгани яхши. Агар шоир кўнгилнинг гапини эмас, ақлнинг ўзбошимчаликларини биринчи ўринга қўйиб, иш тутса, биз қандай қилиб унинг ёзганларини кўнгил кўзи билан ўқиймиз?! Бундай шеърларнинг ҳам ўз ўқувчиси борлигини айтиб, кимдир менинг фикримга мутлақо қарши чиқиши турган гап. Мен ҳам модерн шеърларни сабр билан ўқиб, баҳра олишга уринаётганлардан бири сифатида ўзимни оқларман. Лекин, мана шундай тортишувлар билан иш битмайди.

Тўпламдаги энг қисқа шеърлардан биттасини ўқиб кўрайлик:

Менга сенга йўл бўлсин?!

Қандай тушуниш ўзингизга боғлиқ. Истаганингиздек тушуниб олаверасиз!

Мана буниси ундан кўра яхшироқ:

Хато қилдинг севиб бир
Севмайин икки...

(Шермурод Субҳон)

Энди Мусфира Мунавварованинг мана бу шеърини бир ўқиб, завқланиб кўринг:

МЕН ШАМОЛГА АЙЛАНДИММИ?

Нур қўшиққа айландими ё
қўшиқ нурга айланиб
қолди
тун аёлга айландими ё
Кўнглим тунга севилиб
қолди
Сен ҳавога айландингми ё
Ҳаво сенга айланиб қолди
Мен шамолга айландимми ё
Шамол менга айланиб
кетди.

Бу айланишлар бошингизни айлантириб ташлайди.

Ёки мана бу шеър деб баҳоланаётган сўзлар тизмаси жуда содда бўлиб туюлади менга:

Кулгуга бегона
ғанимлар
уринар устимдан
кулмоққа
Жаранглаб кетади
Овозим

(Мусаллам Бону)

Агар шоирга битта шеър айтиш имкони берилса, шу шеърни танлармиди ўзи?.. Тўғри, ҳамма вақтда ҳам кўнгилдаги шеър ёзилавермайди. Лекин, ҳали тўлиқ шеърга етиб келмасдан шеър ёзиб, яна уни катта даврага олиб чиқиш ҳам ғалатироқ, назаримда. Майли, шеърни тушунишга уриниб кўрайлик яна. Лекин... кўнгилчанлик билан ўқилмайди — да китоб. Дарднинг шаклини излаб, кўнглида, тўғрироғи, ақлида анчадан буён пишиб юрган гаплардан шеър ясаб юрганларнинг ёзганлари вақт синовларидан ўта олармикин? Ана шу савол бизни ўйлантиради, холос...

Бу хулосаларим эмас, албатта. Чунки, бу китобда мени ҳайратлантирган, уммон, гўзал таассуротлар берган шеърлар ҳам талайгина.

Бу билан ҳар қайси бадиий услуб, жанрда ҳам зўр ижод қила олиш мумкин демоқчиман. Ва ёки аксинча. Бу шоирнинг истеъдодига, туйғуларига, энг муҳими, маҳоратига боғлиқ. Шунинг учун асл шеъриятни яхлит яхши кўраман. Таҳлилга кўпроқ танқидий ёндашган бўлсам ҳам, аслида бу китобнинг чиқишини яхши қабул қилганман. Чунки, унда шу йўналишда ижод қиладиган шоирларимиздан аксариятининг шеърлари жамланган. Бу жамланишга анчагина меҳнат, анчайин заҳмат сарф бўлгани сир эмас.

Бир вақтлар атоқли адабиётшунос олим Озод Шарафиддинов модерн адабиётини атласга менгзаган эди. Бизнинг назаримизда, адабиёт кўпроқ атласга ўхшайди. Атласга ранг — баранглик қанчалик кўрк бағишласа, адабиёт учун ҳам турфа хил жанрлар шунчалик зарур.

Муҳаммад СИДДИҚ

Келажак бўсағасидаги орзулар

Инсон яратилгандан бери, доимо орзулар билан яшайди. Ҳаётимизни, руҳий оламимизни бойитиб, гўзаллаштириб турувчи муҳим омиллардан бири ҳам, айнан пок ният, ширин орзулардир. Орзу — умидлари энг кўп мамлакат эса бу — ёшлар мамлакати.

Бугунги кунда жамики ўзбек ёшларининг орзу, мақсадлари бир: ҳур Ўзбекистонимизни гуллаб — яшнатиш, унинг тинчлиги, халқимиз фаровонлиги, Ватан равнақи ва буюк истиқболини яратиш, сақлаш, асраб — авайлашдир. Мен бу сўзларни комил ишонч, собит эътиқод ва улкан шараф билан айта оламан. Чунки мен, мустақил Ўзбекистоннинг ўз фикрига, эътиқоди ва ягона мақсад — муддаосига эга мустақил фарзандиман. Ҳеч бир ёт ғоя, бегона мафкура, вайронкорлик фикри бизнинг ёш, лекин метиндек эътиқодимизни буколмайди. Мен барча ёшларимизни мана шундай миллий эътиқодга чорлайман.

Ёшлар эътиқоди тушунчаси ёш авлодни аниқ мақсад йўлида бирлаштирувчи, жипслаштирувчи, уларнинг руҳий ва маънавий оламларини шакллантирувчи куч демакдир. Бу бизнинг ғоя ва мафкуралар тўқнашуви, фикрлар ва амаллар кескинлиги, терроризм, диний ақидапарастлик, жаҳолат оқимлари урчиган бу дунёда жуда муҳимдир.

Шу йилнинг май ойида Андижон вилоятида содир бўлган мудҳиш воқеаларни келтириб чиқарган сабаб ва омиллар бу жиноий ҳаракатларни таш — лаштирган, уни амалга оширган кимсаларнинг эътиқоди ноқислиги, қалби ва виждонининг хиралиги, иймонининг мўртлигини кўрсатмайдими?! Содир этилган террорчилик ҳаракатлари оқибатида қурбон бўлган инсонларнинг ҳаёти ва тақдирига беписанд ва шафқатсиз муносабатда бўлишга журъат эттан кимсаларнинг орқасида кимлар турибди, жангарилар ва уларнинг раҳнамоларининг асл мақсадлари нималардан иборат?!

Бу ва бунга ўхшаш саволларга давлатимизнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ва бошқа давлат идоралари жавоб бера олишларига, ёвуз ниятли кишиларнинг шахсини аниқлаб, уларнинг қилмишларига муносиб жазо беришларига асло шак — шубҳа йўқ.

Маълумки, амалдаги Конституциямиз, Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонунларимиз давлатимиз фуқароларига жуда кўп сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа ҳуқуқ ва эркинликларни яратиб берган. Сўз эркинлиги, виждон эркинлиги, ўз фикрини очиқ баён этиш ва бошқалар ҳеч ким томонидан ҳеч қачон тақиқланмаган. Аммо бу ҳуқуқ ва эркинликлардан тинч йўл билан, қонун доирасида, белгиланган тартибда фойдаланиш талаб этилади. Қурол ишлатиш, босқинчилик, куч билан таҳдид қилиш, бегуноҳ фуқароларни қурбон қилиб, давлат идораларига ҳужум уюштириш ва террористик актларнинг содир этилиши дунёдаги барча давлатларнинг қонунларига зиддир ва бундай жиноий ҳаракатлар учун жазо муқаррар.

Бутун башарият дунёда содир бўлаётган воқеа — ҳодисаларга лоқайд қарамаслиги, билъакс, тийрак назар билан боқиши, бир гуруҳ ғаламисларнинг инсонлар бошига солаётган кулфатлари сабабларини чуқур англамоғи, жабрдийдаларга ҳамдард бўлмоғи керак. Бугунги кунда ҳеч бир давлат терроризм ва диний ақидапарастлик балосидан кафолатланган эмас. Шундай экан, келинг, азиз Замондош, дунёда, юртимизда содир бўлаётган воқеаларга ақл кўзи билан боқайлик, улардан сабоқ олайлик, атрофимизда нималар бўляпти, барчасидан огоҳ бўлайлик, тўғри таҳлил қилишга ўрганайлик. Энг асосийси, олий неъматтинчликни асраб — авайлайлик.

Оловдек ловуллаб дил ёнур,
Бахтлиман, жангларга ярасам.
Усмон Носир.

Мени, айниқса, бугунги кунда экстремистик оқимларга айнан ёшларнинг аъзо бўлиб, ўзларининг ва ўзгаларнинг умрига зомин бўлаётганликлари қаттиқ ташвишга солади. Огоҳликни ҳамда ёвузликка қарши курашишни айнан улардан бошлаш керак деб ўйлайман. Чунки ёшлар эртанги куннинг бунёдкорларидир.

Нафақат менинг, балки бутун ўзбек ёшларининг энг катта орзуси — Ўзбекистоннинг ёруғ келажагини ўз қўлларимиз билан барпо этиш. Шукуҳли ва шарафли келажакка, албатта, етажакмиз. Биз бугун бир халқ бўлиб эзгулик сари, буюк келажак сари интилаётирмиз. Интилганга толе ёр, деб бежиз айтишмаган. Бунинг учун эса, барчамизнинг дилимизда ёруғ ишончлар бўлса, бас!

Дилноза УМАРОВА

ИҚТИСОДИЁТ РИВОЖИ ЙЎЛИДА

Кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликнинг бозор иқтисодиёти шароитида тутган ўрни беқиёсдир. Чунки, бозор иқтисодиётини машиналар пойгасидаги нотекис, эгри — бўгри, хатарли йўлга ўхшатадиган бўлсак (қўпол бўлса — да), бу пойгада тезюрар ва ихчам, бошқариш ҳам, тезликни ўзгартириш ҳам осон бўлган машиналар ютиши аниқ. Мисолимиздаги келтирилган машиналар эса кичик ва хусусий корхоналардир. Бунга далил сифатида истеъмол моллари конъюктураси ҳозирги замонда ўртача ҳар тўққиз ойда ўзгариб турганлигини келтириш мумкин. Бу, албатта, ишлаб чиқаришни ўзгартириш учун қисқа вақтдир.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг, бу тармоққа катта эътибор берила бошланди. Бироқ ҳисоб — китобларга қараганда республикамизда 2005 йилнинг июл ойига келиб иқтисодиётнинг нормаллашуви учун 765 мингта яқин кичик ва хусусий корхоналар фаолият кўрсатишлари керак, бу эса бугунги кундагидан деярли 530 мингта кўпдир. Яна шуниси ачинарлики, баъзи йилларда янги ташкил этилаётган корхоналар сонидан тугатилаётган корхоналар сони кўпайиб кетди.

Бунинг сабаблари турлича. Масалан, кўпгина кичик корхоналарда тадбиркорларнинг ўзлари таъминот, савдо, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, иқтисод, бухгалтерия ва шу каби барча бошқарув функциялари билан якка тартибда шуғулланадилар. Табиийки, бир кишига бу мураккаб функцияларнинг барчасини профессионал даражада бажариш қийинлик қилади. Шунинг учун хўжалик жараёнларида қабул қилинаётган қарорлар ҳар доим ҳам самарали бўлавермайди. Бу эса кичик корхоналарнинг банкрот бўлишига олиб келаётган асосий сабаблардан биридир.

Мавжуд муаммоларнинг яна бири сифатида бизда маркетинг тармоғининг яхши ривожланмаганлигини келтириш мумкин. Конъюктура тез ўзгариб турган шароитда бу тармоқни унутиб қўйиш ҳеч қандай наф келтирмайди. Хусусийлашган корхоналар раҳбарларида маркетинг тўғрисида тушунча ва тажрибалар етишмаслиги, корхоналарнинг иқтисодий — молиявий жиҳатдан камқувватлиги улар — нинг ички ва ташқи бозорлар тўғрисидаги реал ахборотлар олиш имкониятини чеклайди.

Маркетинг фаолияти самарадорлиги кўпинча корхона маркетинг хизмати ходимлари малакаси ва тажрибасига ҳам боғлиқ. Бугунги кунда республикамиз корхоналари маркетинг хизмати ходимларининг иш самараси қониқарли эмас. Бунинг сабаблари:

— корхоналарда ҳақиқий маркетолог мутахассисларнинг етишмаслиги (деярли мавжуд эмас);

— мамлакатимизда кўп укладлилик вужудга келган бўлса — да, эркин рақобат муҳити шаклланиши қийин кечаётганлиги;

— корхоналарнинг иқтисодий — молиявий салоҳияти соф бозор иқтисодиётига мос маркетолог мутахассислар тайёрлашга имкон бермаслиги кабилардир.

Яна бир далил, корхоналар ривожланишига тўсиқ бўлиб турган бу соҳанинг қай даражада кенг қулоч ёйганлигини баҳолаш мақсадида корхоналар раҳбарлари орасида сўровнома ўтказилди. Ундан маълум бўлишича, ҳар 100 та корхона раҳбаридан 29 таси маркетинг маълумотлари етишмаслигида муаммо йўқ деб, 31 таси бор, деб айтган. 40 таси эса, жавоб беролмаган. Демак, қарийб 40 фоиз корхона раҳбарлари маркетинг соҳасида бирор нарса дейишга қийналган. Бу аянчли аҳвол.

(Статистик маълумотлар «Тасис»дан олинди).

Мустақил Ўзбекистонимиз ривожланиши учун унинг иқтисоди ривожланиши керак. Иқтисод ривожи учун эса бу каби муаммолар бўлмаслиги зарур.

Бахтиёр ЖИЯНБОЕВ

Нафосат диёри

АВЛОДЛАР РУҲИ

Рассом Леким Ибрагимов ижодхонасида

Табиат, дунё, ўтаётган ҳар бир кун ижод кишисини бефарқ қолдирмайди. Ён-атрофдаги воқеа-ҳодисалар ижодкор қалбида синтезланиб, асар оламга келади.

Ўзбекистон Бадиий Академиясининг академиги, Ўзбекистон халқ рассоми Леким Ибрагимов яқинда 60 ёшга тўлди. Шу муносабат билан марказий кўргазмалар залида мусаввирнинг сара асарларидан тузилган кўргазма очилди. Леким катта ижод йўлини босиб ўтди. У аввало Олмаота бадиий билим юртини, сўнгра Тошкент театр ва рассомлик институтининг графика бўлимини битирган. 1978 йилдан буён Ўзбекистон рассомлар уюшмасининг аъзоси. 1978-1986 йилларда Москвада ижодий устахонада ўз малакасини оширган. Леким Марказий Осиё маданиятининг тарихини, руҳият оламини ўрганган, қалб кўзи билан кўриб, ифода қилган мусаввир.

У 1976 йилдан бошлаб катта давраларда ижод намуналарини намойиш эта бошлади. Халқаро кўргазмаларнинг фаол иштирокчисига айланди. Люксембург, Полша, Ҳиндистон, Мароккаш, Германия, Америка, Франция, Швейцария, Япония ва бошқа нуфузли малакатларнинг кўргазма залларида, музейларида шахсий кўргазмаларини очган Лекимнинг асарларига қизиқувчилар кўпайди.

Ўтган йили у Москва, Новосибирск, Мюнхен шаҳарларида ўз асарларини намойиш қилиб қайтди. Бадиий Академиянинг олтин медали, Биенале-2001 халқаро бадиий кўргазмасининг асосий совринига муяссар бўлган рассом бевосита муроқаба йўли билан дунёни, авлодлар руҳини илғаш, пайқашга интилади. Илғаш, пайқаш йўли орқали кўнгил тубидаги туйғуларини ҳарир, нафис ранглар, ўйноқи, мавжларга тўла чизиқлар эпкинида жозибалантиради. У кўнгил кўзи билан илғаган фикрлар уммони композицион қурилмалар тўлқинида мавжланади. Рассомнинг куч-қудрати, истеъдодининг улуғворлиги ана шу вақтда сезилади.



Унинг «Турфонли аёллар» асаридаги ўзига хослик бир қарашдаёқ сезилади. Сеҳрли имо-ишора, чизгилар ўйинидаги жилваларда бутун бир олам, англаш қийин руҳий ҳолатлар яшириниган. «Шер билан олишув», «Фаришталар водийси», «Осиёнинг ўғирланиши» композицияларида эса фантастик олам, беқиёс ғайритабиий, илоҳий, самовий кучларнинг ҳаракатланиши жонланади. Чизиқлар ўйини, мусиқий ранглардаги нозик, нафис тусланишлар, тасвирни бўртма, яққол кўзга ташлаланиши, томошабин нигоҳини унга теран кириб боришида тонлар кучидан, тўйинган текис фонлар ва тасвир сюжети контрастидан фойдаланилган.

Рассомнинг «Пилла» композициясида бу қадимий маданият масканида яшаган халқларнинг ҳаёт-мамот йўли, уларнинг орзу-умидлари, тилак ва истаклари гўзал ифодалар билан тасвирланганки, асарни кўриб, беихтиёр мусаввирга ҳавасингиз келади. Сабаби, сиз ўша даврдаги воқеа-ҳодисаларни нақадар синчковлик билан англаган тақдирингизда ҳам, мана шундай ифода қилиб беролмаган бўлардингиз. Қадимий икки ғилдиракли шарқона аравани тортиб келаётган отнинг мудроқ, шошмасдан қадам ташлашида ҳам аллақандай сирли ифодалар яшириниганини ҳис қилиш қийин эмас. Аравада ўтирган шарқ гўзали тимсолида эса бутун бир олам яшириниб ётади. От етаклаб кетаётган ўспириннинг кийиниши, хатти-ҳаракатида ҳам ўзгача сирли руҳий ҳолат бор.

Умуман, рассомнинг ҳар бир иши сизни узоқ хаёлга чўмдиради, безовта қилади. Бу асарларни кўргазмадан кейин ҳам яна соғинасиз, кўргингиз келади. Лекимнинг «Ойдин кечадаги рақс» композицияси ўзига хос ифода ечими, тасвир кўламига эга картинадир. Навниҳол қизчанинг гўзаллик оламига бурканган ҳолатини рассом ҳайратомуз топқирлик билан ифода этган. Чизгиларнинг маэстросифат, ақл бовар қилмас кўринишини илғаб олиш томошабиннинг юрагига завқ беради. Зарҳал, гулдор кийимлар жилвасининг товланишларида, ой фонида шарқ гўзали сиймосида ўзгача бир фантастик олам мавжланади. Мусаввирнинг туйғуларга бой ички олами, алоҳида меҳр билан шарқона фикрлаши, ўйга толишида миллий ғурурни сезасиз. Яна бир нарса, от образига Леким изланишларида алоҳида урғу берилади. Чунки, шарқда от ижтимоий-маиший-маънавий ҳаётда асосий ўринни эгаллаган. Инсоннинг оғирини енгил қиладиган, яхши ва ёмон кунларида у билан сирдош, вафодор, қадрдон дўст ҳақида сўзсиз, қизиқ ҳикоя қилинади.

«Шер билан олишув» деб номланган мафтункор асарида воқеалар табиат қўйнида, бепоён дала қучоғида кечади. Унинг маҳорати, ўзига хос услуби бу композицияда яққол сезилади. Уни кузатар экансиз, ижодкорнинг дардларини англагандек бўласиз.

Абдували ЭГАМБЕРДИЕВ

ҲИКМАТ – ЙЎЛ ОЗИҒИ

Абул Фараж

Тўғри ва эгри чизиқлар

Арасту бир куни айтибди:

— Ақлли одам ҳамиша бошқа бир ақлли кишининг гапига киради, ақлсиз одам эса, одатда на ақлли одамнинг, на ақлсиз одамнинг гапига киради. Шунга ўхшаш, айтиш мумкинки, ҳамма тўғри чизиқлар ҳамиша ўзаро бир-бирига мос келади, эгри чизиқлар эса ҳеч қачон на бир-бири билан, на тўғри чизиқлар билан мос келади.

Қалтис шўхлик

Диоген бир куни қараса, бир валади зино ўткинчиларга тош отаётибди.

—Бу шўхлигингни тўхтат,—дейди файласуф унга.—Сен бехосдан ўз отангга тош отиб қолишинг ҳам мумкин-а.

Ўт ўтнинг қўлида

Қўлида машъала тутган қизни кўрган бир файласуф дебди:

—Ўт ўтнинг қўлида... Чунончи ўтни тутган қиз шу ўтнинг ўзидан зўр.

Ҳузур қилишлар ҳақида

Бир файласуф айтибди:

—Тўрт хил ҳузур қилиш бор: бир дақиқалик, бир кунга чўзиладиган, бир ой давом қиладиган ва бир умрга борадиган. Ҳиссий севги дақиқалик ҳузур бағишлайди. Ўғил кўрган киши кун бўйи ҳузур қилади (чақалоқнинг йиғиси кўнглига теккунча). Келин-куёв бир ой ҳузур қилади (ҳомиладор бўлгунча). Катта бойлик эса бутун умр ҳузур қилишга имкон беради.

Пифагорнинг шиори

Пифагорнинг болдоғига (қўзсиз узук) мана бу шиор ўйиб ёзилган экан: «Қисқа муддатли омадсизлик қисқа муддатли омаддан кўра яхшироқдир.»

Ақлсиз ақллини таниб ололмайди

Бир файласуф айтган экан:

—Ақлли одам ақлсиз одамни ҳамиша таниб олади, чунки у ақл-идрокли бўлгунига қадар ўзи ҳам ўшандай бўлган. Ақлсиз эса ақлли одамни ҳеч қачон билолмайди, чунки у ҳеч қачон ақлли бўлмаган.

Яққол мантиқсизлик

Бошқа бир файласуф айтган экан:

—Одам зоти киши ҳайрон қоларли даражада тузилган-бойлигини йўқотса, хафа бўлади-ю, аммо умрининг кунлари қайтмас бўлиб кетаётганлигига бепарводир.

Муносиб жавоб

—Шунақаям паст бўладими! Дуч келган одамдан ҳам бир нарса ўрганишга тайёрсиз-а!-деб таъна қилишибди бир файласуфга.

—Билим шу қадар қиматбаҳо нарсаки, уни ҳар қандай манбадан ҳам олавериш мумкинлигининг ҳеч бир уяладиган жойи йўқ,—деб жавоб берибди файласуф.

Юз ифодаси

Файласуф ўзининг шогирдидан сўрабди:

—Тушунтирганларим сенга тушунарлими?

—Ҳаммаси тушунарли,—деб жавоб қилибди у.

—Нотўғри гапни айтаётибсан,—дебди файласуф.—Оғзинг тушунарли деяпти-ю, аммо юзингнинг ифодаси «йўқ» деб турибди. Тушунган кишининг юзида шодлик ифодаси бўлади, «тушундим» деган жавоб эмас.

Шарафиддин КЎНЧИ таржимаси.

Бир бурда нон

Бир зариф бахилникига меҳмонга борган эди, у ўз канизига сараланган асалдан келтиришини буюрди.

—Ундай асалдан қолмади,— деди афтидан хожасининг феълини билган канизак.

— Ҳа майли, тоза асал қолмаган бўлса, атласу кимхоблардан қилинган тоза кўрпа-тўшакларидан жой қилиб бергин, меҳмон бир мириқиб ётсин.

Зариф гапга аралашди:

— Эй, атласу кимхоб тўшакларнинг орасига бир бурда нон қўйишни ҳам унутма. Ҳозир менга ундан азизроқ нарса йўқ.

ИЛОНЛАР ОҚИБАТНИ БИЛИШАДИМИ?

Чингиз Айтматов ва Мухтор Шохоновларнинг «Чўққида қолган овчининг оҳи-зори» китобидаги дилкаш суҳбатларининг бир бўлимида айтилган бўрилларнинг одамларга кўрсатган оқибати ҳақидаги ҳикоядан кўп вақт таъсирланиб юрдим. Ҳаммамиз ҳам атрофимиздаги ҳайвонлар, парранда-юдаррандаларнинг бир-бирларигагина эмас, одамларга ҳам вафо-садоқати, оқибати ҳақидаги ҳикояларни кўп эшитамиз. Ва ҳартугул таъсир қилади, кимга ундай, кимга бундай дегандек...



Ётоқхонада қизиқ-қизиқ суҳбатлар бўлади. Мен ҳам бу ҳикояни ётоқхонадаги қўшним Адибадан эшиттандим.

«Пичан ўрими пайтида далаларда, ҳовлиларда, уруғман, бутун Сўқоқда илонлар кўпайиб кетади. Айнан шу паллаларда илонларнинг бола очиш мавсуми бошланади. Кўп бўлишгани билан одамдан зарар етмаса, улар жуда беозор юришади.

Ўшанда биз бола эдик. Йўлдош тоғам билан бир девор қўшни бўлганимиз учун кўпинча уларникида ўйнардик. Тоғамнинг ўғилларидан бири Маҳмуд акам жуда шўх эди. Бир куни ҳовлида юрган илон болаларидан бирини тоғора остига қамаб қўйди, кун бўйи иш билан оввора бўлиб илон боласи эсидан чиқиб кетди. Қишлоққа оқшом тушди. Кечки овқатдан сўнг илон боласи эсига тушиб қолган Маҳмуд акамга қўшилиб, ҳаммамиз ҳовли четига қараб юрдик. Бу воқеадан хабар топган тоғам ортимиздан бизга сездирмай келдилар-да, Маҳмуд акамни койий кетдилар. Ўйиндан қуруқ қолганимизга ачинганча кетдик. Тоғам «ҳаҳ, жонивор-а, озор беришибди-да сенга», деб илончани тоғора тагидан чиқариб юбордилар.

Қишлоқда, айниқса, иш қизиган паллаларда жуда эрта турилади. Эртасига ерталаб айвонга, нонуштага ўтиргинимизда кечаги воқеа эсимиздан чиқиб бўлганди. Бир пайт айвон устунидаги илгакка илинган сут тўла челак қаттиқ чайқалди. Устунга ўралиб олган катта, йўғон илон тинмай челакни силкитарди. Биз қўрқиб, чинқириб юбордик. Қўрқиб кетган келинойим «заҳар соляпти», деди шивирлаб. Маҳмуд акамнинг ранги оқариб кеттанди. Бу орада илон тезлик билан устундан тушди-да, ҳовли четига қараб кетди. Анчагача ҳаммамиз ўзимизга келолмай ўтирдик. Биргина Йўлдош тоғам хотиржам эди, «кўрдингми, Маҳмуд, ҳайвонларга энди озор бермайдиган бўласан», деб қўйдилар. Биз ҳайрон бўлдик, заҳар соладиган илон ҳаммамизнинг кўз олдимизда солади, деб. Тоғам эса «э, болалар-а, илонлар биз одамлардан кўра анча оқибатлироқ. Она илон ҳозир заҳар солгани йўқ, сутга кеча, боласига озор етказганларингдан аччиқланиб солган. Боласини қўйиб юборганимизни билиб, бугун бизни огоҳлантиргани келган,—деб, ҳануз ўзига келмай ўтирган келинойимга қараб,—келин, сутни тўкиб юбор», дедилар. Ўша воқеадан кейин қанча шўх бўлмасин, Маҳмуд акам ҳайвонларга озор бермайдиган бўлди. Ўшанда бизга она илон катта сабоқ бериб кетганди.»

Бундай ҳикоялар Адиба айтгандек-сабоқ, жуда катта сабоқ. Оқибат эса... йўқолиб кетмаса керак. Ҳеч йўқса, оқибатни табиат, атрофимиздаги жонзотлар эслатиб туришар-ку...

Зумрад ВАҲОБОВА

Спорт оламида

ТАЙСОН ҚАРЗЛАРИНИ ҚАНДАЙ УЗАРКИН?

Супероғир вазн бўйича жаҳоннинг экс-чемпиони Майк Тайсоннинг Кевин Макбрайдга қарши ўтган «жанг»идаги мағлубияти спортчига қаттиқ таъсир қилган кўринади, у катта боксдан кетажагини кенг оммага билдирди. «Менинг бокс рингида қиладиган ҳеч қандай ишим қолмади,—деб журналистларга интервью берди 39 ёшли «темир» Майк.—Барча орзу қиладиган ютуқларга эришганимга анча бўлди ва мен ҳолдан тойдим. Энди хайрли ишларни бажаришга ҳаракат қилсам керак».

Бундай баёнот билан чиқиш, албатта, кўпларни бефарқ қолдирмади. Чунки Тайсоннинг сўнгги йилларда анча-мунча қарзлари йиғилиб қолган, мутахассисларнинг ҳисоблашича бу 40 миллион доллар атрофида экан. Тайсон фақаттина бокс тушиб, бу қарзлардан қутулиши мумкин. Шунингдек, унинг рингга чиқиши, бошқаларга қараганда анча қиммат туради. Агар қарзлардан фориғ бўлишни истаса, у камида олти-еттита «жанг» ўтказиши керак бўлади.

Сир эмаски, у чиройли аёлларни кўрса, ўзини тутолмай қолади. Аёллар билан кўнгилхушлик қилиш унинг жонидили. Бунга ҳам «муллажиринг» керак бўлади. Айрим «қитмир» журналистлар Тайсоннинг ушбу ҳолатига ҳам тўхталиб ўтиб, энди у нафақат боксдан кетишини, яна аёллардан ҳам воз кечишини газеталарнинг олд саҳифасига ёзиб, унинг жаҳлини чиқаришга ҳаракат қилмоқдалар. Аммо Тайсон бунга ҳозирча эътиборини қаратаётгани йўқ.

МУХЛИСЛАР ҲАМ МУРАББИЙ?!

Франциянинг «Веб» жамоаси президенти Фред Гакалин жамоасига ўзгариш киритди. У мураббий хизматидан воз кечиб, антиқа қарорга келди. «Веб»ни бошқариш масъулиятини ...мухлислар қўлига бериб қўйди. Ҳозир жаҳонда интернет тармоғига ҳамма мурожаат қилаётган бир пайтда бу жамоа мухлисларига қўл келди. Бугунги кунда «Веб» таркиби ва тактикасини мухлислар сайтда овоз бериш йўли орқали белгилашади, табиийки, ўйинда ким алмаштирилиши кераклигини ҳам улар ҳал қилишади.

ҚАМАЛДА ҚОЛГАН ФУТБОЛЧИ

Руминиянинг «Крайова» жамоаси ўринбосарлар тарки-би аъзоси 15 ёшли Клаудиу Ене бошига ҳаётда ҳали уч-рамаган воқеа тушди. Ҳаммага маълум, футболчилар ўйиндан кейин одатий тарзда душ қабул қилишади. Клаудиу машғулотдан кейин жамоадошлари билан душ қабул қилишга отланди. Бироқ тезгина ювиниш ўрнига, у ўзини гўёки ҳаммомда ҳис қилган чоғи, қолиб кетади. Буни сезмай қолган маъмур бинони қулфлаб, ўз уйига равона бўлади. Бир муддат ўтиб, футболчи ўзининг «зиндонбанд» этилганлигини билиб қолади. У дарҳол уяли телефони орқали маъмурга телефон қилмоқчи бўлади, аммо уни кийимлари орасидан топа олмайди, чунки аппарат уйда қолган эди. У душда етти соат мобайнида ташқарига ёрдам сўраб, овозининг борича бақирди. Ниҳоят йўловчилардан бири йиғлаётган бола овозини эшитиб қолади. Воқеадан хабар топган ота-она дарҳол жамоа раҳбарларига қўнғироқ қилади. Аксига олиб, душ калити маъмурнинг ўғлида бўлган, ўғил эса иш билан бошқа шаҳарга йўл олган. Хуллас, охир-оқибат ота бошчилигида бир гуруҳ ёрдамчилар бино эшигини бузиб, чўмилиш ишқибози бўлган болакайни «озодлик»ка олиб чиқишди.

С.ШОШИЙ тайёрлади.

Қонун барчага баробар

Олий автомобилчилар институти президенти, Буюк Британия қиролича-синнинг амакиваччаси герцог Глочестер юқори тезликда автомобилни бошқаришда айбланиб, 6 ойга автомобил ҳайдаш ҳуқуқидан маҳрум этилган, дея хабар беради BBC News.

Жорий йилнинг апрел ойида герцог йўл қоидасини қўпол равишда бузган. У соатига 70 миль(112 километр) тезликда машина ҳайдаган. Ваҳоланки, белгиланган тезлик соатига 60 миль(96 километр) бўлган. Бу галги хато унга қимматга тушди чоғи йўл талони яна 3 балга «бойиди». Умумий бали 12 дан ошиб кетган герцогни ҳайдаш ҳуқуқи шундан сўнг олиб қўйилди. Шу билан чекланилмай, 60 фунт жарима герцог томонидан тўланди. Бу ҳам етмагандек, суд харажатлари учун 35 фунт тўлашга тўғри келди.

Институт раҳбарияти ҳали бу борада бир тўхтамга келганича йўқ. Низомда айтилишича, йўл қоидасининг 12-бандини бузган аъзо ўз-ўзидан барча ваколатларидан, шунингдек, ҳайдовчилик гувоҳномасидан ҳам маҳрум бўларкан. Бироқ барчанинг боши қотган, нимага дейсизми? Чунки институт раҳбари шахсан герцогнинг ўзи-да!

Лотерея ғолиби

Колумбиялик муҳожир Хуан Родригес 2004 йил ноябр ойида Mega Million лотереясидан 149 миллион доллар ютиб олди. Бу хушхабарни эшитган хотин, Ирис Родригес эса пайтдан фойдаланиб 17 йил давом этиб келаётган ажрашиш ишларини бекор қилди. Аёл эри ютиб олган миллионларнинг тенг ярмига даъвогарлик қилиш ниятида. Аммо Хуан Родригес ҳам анойи эмас экан. У ўз ютуғининг 88,5 миллионини нақд пулда, солиқ тўловларисиз олишни маъқул кўрди. 49 ёшли миллионер бу ютуқ билетни Манхэттен марказидаги (АҚШ) дўкондан сотиб олган экан. Унинг бир йиллик маоши эса 28 минг долларни ташкил қиларкан.

Дунёдаги худди шундай ютуқларнинг энг каттаси Big Game лотереяси бўлиб, 2004 йил декабр ойида 363 миллион доллар ўз эгасини топган. Иккинчи ўринда турувчи Power ball лотереясининг супер ютуғи эса 314 миллион долларни ташкил этар экан.

Саодат АЪЗАМХЎЖАЕВА тайёрлади.

Ғаройиб олам

МАСЛАҲАТХОНА

- *Овқат қилаётганингизда маҳсулотларни сариёғда қовурманг. Чунки қовуриш жараёнида ёғ учиб кетади. Яхшиси, қиздирилган ўсимлик ёғида уларни қизартириб қовуриб олинг. Шунда ёғнинг 98 фоизи сақланиб қолади. Ёғни қиздираётганингизда ҳаддан ташқари кўп тутун чиқмасин. Акс ҳолда, ёғ кислоталари ва Е витамини куйиб, овқат таркибида зарарли моддаларгина қолади.*
- *Сабзини узоқ сақламоқчи бўлсангиз, уни ювиб, пушти ранг марганцовка эритмаси солинган сувда икки дақиқа мобайнида чайиб олинг. Улар қуригач, елим халтага ёки шиша идишга солиб қўйинг.*
- *Саримсоқ пиёз иссиқ жойни ёқтирмайди. У тезда қуриб қолади. Яхшиси, уни банкага солиб, устидан ун сепиб қўйинг. У салқин ерда узоқ сақланади. Пиёзда эса бунинг акси. Пиёз иссиқ жойда кўкариб, униб кетмайди. Мабодо, сақлаётган пиёзингизни совуқ уриб кетган бўлса, уни бир соатга совуқ сувга солиб қўйинг, ўз мазасини тиклайди.*
- *Асосан тоғларда ўсадиган зирк ўсимлиги ўрнида ишлатилса, инсон организми учун жуда фойдали. Зиркни қайнатиб, новвот ёки асал билан қўшиб ичилса, қонни кўпайтиради. Бундай дамлама нафақат қони кам кишилар, балки соғлом одам танаси учун ҳам ниҳоятда фойдали. Агар зиркка наъматак қўшиб, қайнатиб ичилса, шифобахшлиги яна ҳам ортади.*
- *Офтоб тиғида кўп ўтирманг. Акс ҳолда пешона ва бўйнингизни майда ажинлар босади. Ортиқча қуёш нури тери учун ниҳоятда хавфлилигини ҳам унутманг.*
- *Ёстиққа бурканиб ухламанг, юзингизга кўпроқ ажин тушади.*
- *Массаж даволашнинг энг зўр усули. Лекин умумий массаж ҳаммага ҳам тўғри келавермайди. Айниқса, у ошқозонида ва ўн икки бармоқли ичагида яллиғланиш асоратлари бор одам учун хавфли. Бундан ташқари, терининг йиринглаб кетар даражадаги шамоллаш касалликлари, ангина, артерия ва вена периферик касалликлари, ўткир аднекситкольпит билан оғриган беморлар массаж олишда ниҳоятда эҳтиёт бўлишлари зарур. Узоқ муддат битмаган ва терига зиён етказган яралар, грижа (ўсма) билан касалланган инсонлар учун массаж умуман таъқиқланади.*
- *Ухлаб ётганда у ёндан бу ёнга ағдарилиш энг ажойиб бадантарбия. Бу билан бўғинларни машқ қилдириб олиш, таянч-ҳаракат аъзолари билан боғлиқ кўпгина касалликларнинг олдини олиш мумкин.*

Мансуба тўплади.

ОРАМИЗДА ФАРҚ ЙЎҚ ЭКАН

Бир подшо ўз мол-мулкининг кўплигидан фахрланиб, илм аҳлини менсимай қўйган, ўз ихтиёрича иш тутиб, фисқу-фужурга берилган эди. Бир куни у борига қаноат қилиб, камтарлик йўлини тутган доно ҳакимга дуч келиб қолди ва унга:

—Эй, ҳаким, нимани хоҳласанг тила, сўровингни муҳайё қиламан!—деди.

Ҳаким:

— Шундай қилки, ажал ҳеч қачон бошимга соя солмасин!—деди.

Ривоят

—Бу иш менинг қўлимдан келмайди,—деди подшо.

—Бўлмаса,— деди ҳаким,— қарилик мавсуми кетиб, ёшлик айёми қайтиб келсин!

—Бу иш ҳам қўлимдан келмайди!—деди подшо.

—Орамизда фарқ йўқ экан—ку,— деди ҳаким шунда,—мен қилолмаган ишни сен ҳам қилолмас экансан, аммо сенда мол-давлат кўп бўлгани учун, кибр отига миниб, манманликка бериласан. Мен эса топганимга қаноат қилиб, ҳеч кимга ялинмайман, демак мен ҳам ўзим учун подшоман!

Тошкент шаҳар Ҳамза туман М.Ашрафий кўчаси 106-бинога жойлашган «Бек Абдулло-сервис» хусусий фирмасига тегишли 4-428/2004 рақамли кадастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Milliy tiklanish

Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ | Бош директор: Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ

Таҳрир ҳайъати:

Қаландар АБДУРАҲМОНОВ, Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Раъно ЗАРИПОВА, Хайринисо МИРЗАЖОНОВА, Шарифа САЛИМОВА, Абдунаби СИДДИҚОВ, Жаннат ТОШМАТОВА, Олим ЎСАРОВ, Мунира ҚОРИЕВА

Газета 014-рақам билан рўйхатдан ўтган. Буюртма: Г — 528. Ҳажми 2 босма табоқ. Адади 1502 Сотувда эркин нархда

Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи: Раъно ИСМАИЛОВА

Босишга топшириш вакти 20.00 Нашр кўрсаткичи — 158

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32 уй

Телефонлар: қабулхона — 133-67-51, 136-56-29, бўлим — 136-58-80, реклама ва эълонлар бўлими — 136-58-73

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди 20.00